



**ҲУҚУҚШУНОСЛИККА  
ОИД  
ЎЗАЛШМА  
ТЕРМИНЛАР**



“АДОЛАТ”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги  
Республика атамашунослик қўмитаси

ХУҚУҚШУНОСЛИККА  
ОИД  
ЎЗЛАШМА ТЕРМИНЛАР

манба тиллардаги маънолари, ҳозирги ўзбек  
тилидаги қўлланиши ва изоҳи

Тошкент  
“Адолат”  
1999

Қўлинигиздаги лугатга ҳуқуқшуносликка оид тўрт юзга яқин ўзлашма термин киритилган бўлиб, уларнинг манба тиллари, манба тилларда аниқланган дастлабки маъноси, ҳозирги ўзбек тилида қўлланиши ва қисқа изоҳи берилган.


Лугат ҳуқуқшунослар, ҳуқуққа оид ҳужжатлар тайёрловчи мутахассислар, юридик олий ўқув юртлири талабалари ва кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

*Тузувчи муаллифлар:*

*Ҳ.Бектемиров  
Х.Холмедов  
С.Содиқов*

*Маъсул муҳаррирлар:*

юридик фанлари доктори, проф. *Ғ.Аҳмедов*  
ЎзФА муҳбир аъзоси, проф. *А.Ҳожиев*



юридик фанлари доктори, проф. *Ғ.Абдумажидов*

1527

## СЎЗ БОШИ

Тил қанчалик кўп қўлланса, унинг амал қилиш доираси шунчалик кенгайди, бу эса тилнинг нуфузини оширади. Давлат тили ҳақидаги қонун ва Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришуви туфайли она тилимиз ҳозирги даврда ана шундай нуфузга эга бўлиб бормоқда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Тил асосан ўз ички имкониятлари негизида ривожланади. Шу билан бирга, турли иқтисодий, маданий алоқалар туфайли четдан сўз олиш, уни ўзлаштириш дунёдаги барча тилларга хос хусусият бўлганидек, бу жараён ўзбек тили учун ҳам бегона эмас. Ўзбек тили лугат бойлигини кузатар эканмиз, узоқ асрлар давомида тилимизга жуда кўнлаб араб-форс сўзлари кириб келганлигини кўрамиз. Бундай сўзлар ўзбек тилига шу даражада сингиб кетганки, уларни ҳозирги кунда фақат мутахассисларгина бу сўз арабча, бу сўз форсча деб ажрата оладилар. Масалан, китоб, дафтар, мактаб, гиёҳ, сиёҳ, пул каби кўнлаб сўзларни оддий ўқувчи ўзбекча сўз сифатида асрлар давомида қўллаб келмоқда.

Тилимизга европача сўзлар окимиинг кириб келиши ўлкамизнинг чор Россияси томонидан босиб олиншидан кейин бошланди ва собиқ Шўролар ҳукмронлиги даврида кенг авж олди. Бу ҳол айниқса тилимиз лугат таркибидаги терминлар қатламини кузатганимизда яққол сезилади. Четдан кирган терминларнинг асосий қисми фан-техника эҳтиёжлари билан боғлиқ равишда қабул қилинди.

Ушбу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Чунки мустақиллик, истиқлол туфайли мамлакатимиз дунё ҳам-жамиятига қўшилди, иқтисодий ва сиёсий алоқалар бекиёс даражада ўсмоқда. Бундай алоқалар туфайли тилимизга турли-туман сўзлар, асосан терминларнинг кириб келиши табиийдир.

Янги тушунча ёки предмет (унинг номи) бирор мамлакатда пайдо бўлади. Ана шу тушунча ёки предмет номини

бошиқа мамлакат фани ва техникасида қўллаш зарурияти келиб чиқади. Айрим ҳолларда ўша тушунча ёки ном бошқа тилга механик тарзда ўз ҳолича қабул қилинади. Бундай йўл тутиш ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Аввало, четдан кириб келаётган терминларни ўз тили, масалан, ўзбек тили имкониятлари асосида беришга интилиш лозим. Бунда бир гуруҳ терминлар ўзбек тилидаги тайёр муқобиллар билан берилиши, маълум қисми таржима қилиниши, яна бир қисми эса ўзбек тили қонун-қоидалари асосида ясалishi мумкин. Ана шу принцип асосида четдан кириб келган терминларнинг катта қисмига ўзбекча сўзлар топиб ишлатилган ва улар чет сўзлар аниқланган маъноларни ўзбек тилида тўлиқ ифодамоқда: автор-муаллиф, абонент-обуначи, анализ-таҳлил, гарантсия-кафолат, дефект-нуқсон, демонстрация-намоиш, документ-ҳужжат, категория-тоифа, характеристика-тавсифнома, нейтралитет-бетарафлик, приватизация-хусусийлаштириш, традиция-анъана, юстиция-адлия, экономика-иқтисодиёт, эксплуатация-фойдаланиш, ишлатиш ва ҳоказолар.

Шундай терминлар ҳам борки, уларни ўзбек тилида ҳам асли шаклида қўлайверамиз. Бундай терминлар бора-бора сингиб кетади ва тилимиздаги ўзлашма сўзлар, ўзлашма терминлар қатламини ташкил этади. Четдан кирган ва тилимизга ўзлашиб кетган терминлар ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам анча-мунча учрайди. Бу ҳодисани ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов 1997 йилнинг 20 майида ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар билан учрашуви пайтида алоҳида таъкидлаб, тилимизда объект, субъект, мониторинг каби халқаро терминлар қўлланади, лекин шундай сўзларнинг маъносини қўлчилик билмайди. Нима учун шундай сўзлар қўлланганда ёнида ўзбекча маъносини бериш мумкин эмас деб жуда ҳақли талаб қўйган эдилар.

Ҳақиқатда ҳам дунёнинг турли мамлакатларида ишлатилиб келаётган кўпгина халқаро юридик терминлар ўзбек тилида ҳам асли ҳолида қўлланимоқда. Бироқ бу сўзларнинг

маъноси қандай, уларнинг қайси тиллардан кириб келганлигини ҳамма ҳам билавермайди.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, Атамашунослик қўмитаси дастлабки иш сифатида ўзбек ҳуқуқшунослигида қўлланаётган ўзлашма терминларни, уларнинг қайси тилларга мансублигини ва маъносини аниқлаб чиқди.

Ўзлашма терминлар маъно тараққиётини таҳлил этиш жараёнида қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин:

1. Айрим ўзлашма терминлар ўзи англаган бирламчи маъносидан шунчалик узоқлашиб кетганки, уларнинг дастлабки маъноси билан ҳозирги маъноси ўртасидаги алоқа узилиб қолган ёки бошқача маъно касб этган. Бундай ўринларда унинг асл, дастлабки маъноси эмас, балки ҳозирги англаган маъноси асосий ўрин тутади.

Масалан, армия - лотинчада асли маъноси "қуролиантирмоқ"дир. Армия сўзи ҳозирги вақтда муайян давлатнинг барча қуроли кучлари йиғиндиси маъносини англатади. Архив юнончада дастлаб "хизмат жойи" маъносида ишлатилган бўлса, ҳозир эски ҳужжатлар, ёзма ёдгорликларни сақлаш, уларни тартибга солувчи муассасани билдиради. Биржа юнончада дастлаб "ҳамён" маъносини англаган бўлса, ҳозир у қимматли қоғозлар ва товарлар савдоси билан шуғулланувчи бозор, меҳнат биржалари маъносини англатади. Бухгалтер немисчада дастлаб "китоб сакловчи" маъносида қўлланган бўлса, бу термин ҳозир бирор ташкилот ёки корхонанинг молиявий ҳисоботини юритувчи мутахассис маъносида ишлатилади. Бюджет дастлаб французчада "қошчиқ" маъносини берган бўлса, ҳозирда у давлат, идора, корхонанинг маълум даврдаги кирим-чиқими сметаси маъносида ишлатилади. Кодекс лотинчада китоб маъносини берган бўлса, ҳозир бу термин қонунлар тўпламини англатади. Паспорт италянча паспорт сўзидан олиниб, "портга кириш рұхсатномаси" маъносида қўлланган, ҳозир бу термин шахсни ва фуқароликни тасдиқлайдиган ҳужжат маъносида ишлатилади. Почта ҳам италянча бўлиб, "отларни алмаштирадиган жой" маъносини билдирган. Ҳозир

эса почти алоқа муассасаси маъносидadır. Газета итальян тилида дастлаб "танга", "чака" маъносида ишлатилган, ҳозир эса оммавий ахборот воситаларидан бери. Инвестиция лотинчада дастлаб "кийинтириш" маъносида қўлланган бўлса, ҳозирги кунда бу сўз бирор мамлакат ёки корхонага капитал қўйиш маъносида ишлатилади.

Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Турли лугатларда, ҳуқуққа оид ҳужжатларда бундай байналмилал ўзлашмалар ҳозир аниқлашган маъноси бўйича изоҳланади ва талқин этилади.

2. Ўзлашма сўзларнинг асосий қисмида дастлабки маъно сақланган ёки уларнинг муайян қисми жузъий ўзгаришларга учраган ҳолда еттиб келган. Бундай терминлар ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам катта қисмини ташкил этади. Масалан, авария арабча сўз "авар"дан олинган бўлиб, "зарар, талофат, бузилиш" маъноларида қўлланган. Ҳозирда ҳам асосан шу маъноларда ишлатилади. Аукцион лотинчада "очик савдо" маъносида ишлатилган бўлса, ҳозир у "кимоиди савдоси" маъносидадир. Маъно яқинлиги, боғлиқлиги сақланиб қолган. Банкрот итальян тилида "синяқ курси", яъни "тўлай олмаслик ифодаси" маъносида ишлатилган. Ҳозирги "банкрот" ҳам деярли ўша маънода ишлатилади. Геноцид (юнонча), граи-при (лотинча), импорт (лотинча) сўзларининг маънолари ҳам ўзгармаган ҳолда сақланган.

3. Айрим ўзлашмалар маъноси кенгайиб кўп маънолилик касб этган. Даврлар оша бир терминга турли маъноларни оқлайверини ёки бир тилдан иккинчи тилга ўтганда термин шаклини сақлаб қолган ҳолда унга яна бешқа маънони бериш оқибатида ана шундай кўп маъноли терминлар вужудга келган. Масалан: агент (лотинча асл маъноси "ҳаракат қилувчи") термини "айғоқчи", "жосус", "разведка ходими" маъносини, иккинчидан, бирор идора, корхона томонидан тайинланган "вахил" маъносини ифодалайди. Акт термини (лотинча "ҳужжат, қарор" маъносини билдиради): 1) юридик кучга эга бўлган қарор ёки ҳужжатни; 2) ҳаракатни; 3) драматик асарнинг якуний қисмини билдиради.

Акция (французча "қимматли қоғоз"; логинча "ҳаракат"): 1) қимматли қоғоз; 2) бирор мақсадга етиш учун қилинган ҳаракат маъноларида ишлатилади.

Бундай ҳолларда ўзбек тилида ўзига хос имконият пайдо бўлиши мумкин. Масалан, акция сўзи кўп маъноли: акция-қимматли қоғоз, акция-ҳаракат маъноларида. Бошқа тилларда, масалан, рус тилида ҳар иккала ҳолатда ҳам акция сўзи ишлатилаверади: акция; акции протеста. Ўзбек тилида биринчи маънода акция, иккинчи маънода ҳаракат тарзида бериш мумкин бўлади.

Тилимиздаги четдан кириб ўзлашган терминларга ўзбекча муқобил топиш учун латин тилимиз софлигига эришини, унинг ўз ички имкониятларини ишга солишга қаратилган хайрли саъи-ҳаракатдир. Шунини айтиш керакки, ўзлашма терминларга ўзбекча муқобил топиш ўта мураккаб иш. Қарийб юз йилдан ошиқроқ давр мобайнида кириб келган бу хилдаги терминларнинг аксар қисми тилимизга ўзлашиб, ўз сўзларимиздай бўлиб кетган. Бироқ бундай терминларнинг маълум қисми она тилимизда муқобили бўлгани ҳолда ҳам мажбуран киритилган ва натижада кўнгина ўзбекча сўзлар эскирган сўзлар қаторига ўтиб қолган. Ана шундай сўзларни тиклаш керак бўлади. Уларнинг катта қисми тикланди ва ҳозирги кунда тилимизда фаол қўлланмоқда: уюшма, кенгаш, бошқарув, мафкура, мезон, режа, матбаа, фониз, муҳаррир, тавсиянома, котибият, таркиб, танлов, матн, мавзу каби сўзлар яқин-яқинларда союз (ёзувчилар союзи), совет, правления, идеология, критерий, плач, полиграфия, процент, редактор, рекомандация, секретариат, состав, конкурс, текст, тема тарзида ишлатиларди.

Ўзлашма терминларга ўзбекча муқобил топишда ҳам муайян меъёрга амал қилиш керак. Акс ҳолда турли чалканликлар келиб чиқиб мумкин. 1989-92-йилларда ўзлашма терминларга ўзбекча муқобил излаб топиш шунчалик кучайдики, бу ишга умуман тилшуносликка, терминологияга алоқаси бўлмаган кишилар ҳам "киришиб" кетдилар. Натижада матбуотда, оммавий ахборот воситаларида



Ўзбек тилининг қонун-қоидаларига мос келмайдиغان, ўзлашма терминлар англатган маънони бериш у ёқда турсин, ҳатто унинг маъносига зид келувчи сўзлар топила бошлади. Аксар ҳолларда, ҳатто мутахассислар учун ҳам тушунарли бўлмаган сунъий терминлар, тилимизда умуман ишлатилмаган арабча-форсча сўзлар қўллана бошлади: олийгоҳ, куллиёт (факультет маъносида), тайёрагоҳ ва ҳоказолар.

Тилимиздаги бундай жараёни тартибга солиш учун Атамақўм 1991, 1994, 1996, 1998 йилларда илмий конференциялар ўтказди.

Ўзлашма терминлар ва уларни ўзбекчалаштириш бўйича тавсиялар, принциплар ишлаб чиқилди, 1996 йилда "Термин таълаш мезонлари" (муаллиф ЎзФА мухбир аъзоси А.Ҳожиёв) рисоласи чоп этилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси комиссиясининг мажлисларида (1992-94), 1996 йилда Олий Мажлис қўмитасида турли соҳаларда ҳар хил ишлатилаётган терминларнинг маъқул муқобиллари тасдиқланди ва улар матбуотда эълон қилинди.

Ҳозирги кунда ўзлашма терминлар қўлланишида муайян аниқлик, йўналиш пайдо бўлди, ҳар хилликлар камайди. Тилимиздаги институт, аэропорт, газета, кодекс, адвокат, прокурор каби кўплаб сўзларга ўзбекча муқобил топишга уриниш беҳуда эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

\* \* \*

Қўлингиздаги луғатдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳуқуқшуносликда қўлланаётган ўзлашма терминларнинг манба тили ва манба тилда англатган дастлабки маъносини ҳамда ҳозирги ўзбек тилида қўлланиши, шунингдек, маънолари изоҳини беришдир. Бу орқали биз ўша терминларнинг дастлабки маъноси ҳозирги вақтга қай даражада сақланганлиги, унинг қандай ўзгаришларга учраганлигини кузатишимиз мумкин бўлади. Иккинчидан, кўпчилик ҳанузгача ўзлашма терминларни русча сўзлар деб ўйлайди. Аслида эса бундай ўзлашмалар асосан латин, юнон, қисман инглиз, француз, немис ва бошқа тилларга мансуб бўлиб,

улар рус тилига ҳам ўтган. Рус тилидан эса асосан собиқ Шўролар даврида ўзбек тилига кириб келган.

Луғатга фақат ўзлашма терминлар сифатида тилимизда қўллашга мумкин бўлган сўзлар киритилди. Ундаги терминларнинг катта қисми юридик луғатларда қайд этилган бўлса-да, истеъмолда деярли фойдаланилмаган. Бундай терминлар эндиликда мустақиллигимиз туфайли давлатимизнинг халқаро муносабатларга изчил киришуви, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида бораётганлиги, бозор иқтисодиётининг қарор топаётганлиги муносабати билан фаоллашмоқда. Луғатдаги бир қатор терминлар эса янгидан кириб келгандир.

"Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар" луғати қўлёзмаси 1998 йилда ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида 2 марта муҳокама этилди. Айтилган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинди. Луғат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳузуридаги ўзбек тилига янги атамаларни жорий этиш бўйича иш олиб борадиган экспертлар гуруҳи йиғилишида (1999 йил 26 январь) муҳокама этилиб, унда ишнинг сифатини яхшилаш бўйича муҳим фикр-мулоҳазалар айтилди. Муаллифлар луғатни қайта кўриб чиқиб, тузатишлар киритди.

1999 йилнинг 2 апрелида Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида "Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар" луғати иккинчи марта муҳокама этилди ва унга кирган терминларни амалиётга жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Х.БЕКТЕМИРОВ

филология фанлари номзоди

# Л У Ф А Т \*

- А -

аболиция [*лот.abolitio* бекор қилиш, йўқ қилиш] -

аболиция:

қонуни, қарорни бекор қилиш.

аброгация [*лот.abrogatio* бекор қилиш] - аброгация:

замон талабига мос келмайдиган қонунни бекор қилиш.

абсентеизм [*лот.absens(absentis)* иштирок этмаётган] -

абсентеизм, бош тортиш:

сайловчиларнинг давлат органларига бўладиган сайловларда ёки референдумда қатнашишдан бош тортиши.

абсолютизм [*лот.absolutus* чегараланмаган, шак-шубҳасиз] -

абсолютизм, мутлақлик:

мутлақ, чегараланмаган яқка ҳокимлик.

авантюра [*фр.avanture саргузашт*] - авантюра:

тасодифий муваффақиятга эришиш учун қилинган қалтис ва шубҳали хатти-ҳаракат; имкониятларга асосланмаган ва оқибатда барбод бўлган иш.

авария [*араб."авар" -зарар, талафот, бузилиш*] - авария;

ҳалокат:

1. машина, кема, самолёт ва ҳоказоларнинг тўсатдан ишдан чиқиши;

---

\* Луғатда дастлаб ўзлашма терминлар, ўрта қавс ичида манба тилдаги дастлабки маъноси, ундан кейин ҳозирги ўзбек тилида кўлланиши ва қисқача изоҳи берилган.

2. йўл-транспорт ҳодисаси;
3. бахтсиз ҳодиса.

авторитаризм [*лот. auctoritas ҳокимият, таъсир*] - авторитаризм:  
давлатни бошқариш усулларидан бири.

агент [*лот. agens (agentis) ҳаракат қилувчи*] - вакил; агент:  
1. ташкилот, муассаса ва ҳоказоларнинг топшириқларини бажарувчи вакил; 2. қидирув ёки разведка хизмати ходими.

агреман [*фр. agreeer маъқулламоқ*] - агреман:  
бир мамлакатнинг муайян шахсни шу мамлакатга дипломатик вакил қилиб тайинлаш ҳақида олдиндан розилиги.

агрессия [*лот. aggressio хуруж, ҳужум*] - агрессия, тажовуз:  
бир давлатнинг ўзга давлат ерига қуролли куч билан бостириб кириши, тажовузи.

адвокат [*лот. advocatus таклиф қиламан; мен учун сўзла*] - адвокат:  
судда жавобгарга ҳуқуқий ёрдам берувчи, жавобгарни ҳимоя қилувчи юрист.

адвокатура [*қ. адвокат*] - адвокатура:  
1. адвокатлар ташкилоти, адвокатлар ҳайъати;  
2. адвокат фаолияти.

аккредитация [*лот. accredere ишонмоқ*] - аккредитация:  
дипломатик ваколатхона бошлиғи лавозимига тайинлаш ва шу лавозимни бажаришга киришни тадбирлари.

аккредитив [*лот. accreditivus ишонч(ли)*] ёрлик - аккредитив ёрлик:

аккредитив ёрлик - дипломатик вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат, ишонч ёрлиғи.

акт [*лот. actus ҳаракат; actum ҳужжат*] - акт; далолатнома:

1. ҳаракат, иш; 2. юридик аҳамиятга эга ҳужжат.

акцепт [*лот. acceptus қабул қилинган*] - акцепт:

1. бошқа томон таклифлари билан мувофиқ шартнома тузишга розилик; 2. тўловчининг векселни кўрсатилган муддатда тўлаш мажбуриятини олиши; 3. банкнинг векселда кўрсатилган пулни тўлашни кафолатлашга розилиги.

акцептант [*лот. acceptans(acceptantis) қабул қилувчи*] - акцептант:

кўрсатилган ҳисоб, вексель бўйича тўлаш мажбуриятини олган шахс.

акциз [*лот. accidere кесмоқ*] - акциз:

асосан кенг истеъмол товарлари баҳоси ёки тарифига қўшиладиган билвосита солиқ тури.

акция [*фр. action қимматли қоғоз; лот. actio ҳаракат*] -

1. акция; 2. ҳаракат:

1. акциядорлик жамияти чиқарган қимматли қоғозлар;  
2. бирон-бир мақсадга эришишга қаратилган ҳаракат.

алиби [*лог. alibi бошқа жойда*] - алиби:

жиноят содир этилган пайтда айбланувчининг бошқа жойда бўлиши.

алимент [*лот. alimentum қармоғида, боқимида*] - алимент:

қонунда белгиланган ҳолларда oilанинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзоси ёки аъзоларини моддий таъминлаш учун мажбуран тўланадиган маблағ.

**алкоголизм** [араб. "ал-куҳл" майда кукун] - алкоголизм, ичкиликбозлик:  
спиртли ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш оқибатида юзага келадиган касаллик.

**альтернат** [лот. *alternus* навбатлашадиган, галма-гал бўладиган] - альтернат:  
халқаро ҳуқуқда шартномани иштирокчиларнинг навбат билан имзолашини бошқариб турувчи тартиб.

**альянс** [фр. *alliance* иттифок, бирлашма] - альянс (иттифок, бирлашма):  
шартнома мажбуриятлари асосидаги иттифок, бирлашма.

**амнистия** [юн. *amnestia* кечириш, афв этиш] - амнистия, афв умумий:  
жиноят содир этган шахсларни олий ҳокимият қарори билан жиний жавобгарликдан, жазодан тўла ёки қисман озод қилиш, суд томонидан белгиланган жазо муддатини камайтириш ёки енгилроқ жазога алмаштириш.

**анархия** [юн. *anarchia* ҳокимиятсизлик] - анархия, бошбошдоқлик:  
1. бошбошдоқлик, ҳокимиятсизлик; 2. тартибсизлик, ингизомсизлик.

**анклав** [лот. *in clavo* қулфлайман] - анклав:  
бир давлатнинг бошқа давлат ёки давлатларнинг куруқликдаги чегараси билан ўралган ҳудуди ёхуд унинг бир қисми.

**аннексия** [лот. *annexio* қўшиб олиш] - аннексия:  
бирор давлат ёки халққа тегишли ҳудудни зўрлик билан қўшиб олиш, босиб олиш.

**аноним** [юн. *анопутос* номсиз, исмсиз] - аноним:

1) исмсиз хат ёки асар муаллифи; 2) исмсиз хат, асар.

**антиномия** [лот. *антиномия* қонунда қарама-қаршилик] - антиномия:

қонунда ҳақиқатан ёки эҳтимол тутилган қарама-қаршилик.

**апартеид** [африканча (бур тилидан) *apartheid* алоҳида яшаш] - апартеид:

бирор элат ёки миллатни ирқий камситиш, уларга нисбатан зулм ўтказиш.

**апатрид** [юн. *а-* инкор + *патрис*(*патриδος*)- ватан] - апатрид, беватан:

фуқаролиги бўлмаган шахс.

**апелляция** [лот. *арпеллатио*- мурожаат, шикоят] - апелляция; шикоят:

1) ишни кўрган қуйи суд ечимини қайта кўришни сўраб юқори суд (апелляция суди)га мурожаат этиш;

2) қуйи суд қарорининг хатолиги ва адолатсизлиги ҳақида юқори судга берилган шикоят.

**арбитр** [лот. *арбитер* - томошабин; воситачи] - арбитр, ҳакам:

1) иқтисодий масалалардаги низоларни ҳал этиш учун томонларнинг ўзаро келишуви асосида сайланадиган, арбитраж қонунлари асосида иш кўрадиган мансабдор шахс; 2) спортда ўйин қоидаларига риоя қилинишини кузатиб борувчи, ундаги тортишувлни масалаларни ҳал қилувчи ҳакам - судья.

**арбитраж** [қ. *арбитр*] - арбитраж:

1) иқтисодий ва меҳнат низоларини ҳал этиш йўли;  
2) ҳакамлар суди.

армия [лот. *armare* - қуроллантирмоқ] - армия:

- 1) давлатнинг қуролли кучлари йиғиндиси; 2) бирон умумий белгисига кўра уюшган кўп сонли одамлар йиғиндиси.

арсенал [араб. "дар ал-санаъ" - аслаҳахона, устахона] - арсенал:

- 1) қуроллар ва ўқ-дорилар омбори; 2) кўп сонли бирон нарса, қатга захира.

артикул [лот. *articulus* бўлим; модда] - артикул:

- 1) баъзи қонун ва расмий ҳужжатларда махсус модда; 2) маҳсулот, товар тури, шунингдек, унинг рақамли ёки ҳарфий ифодаси.

архив [юн. *archeion* хизмат жойи] - архив:

- 1) эски ҳужжатлар сақланадиган муассаса, бўлим; 2) бирор идора ёки шахс фаолиятига тегишли қўлёзма, хат ва ҳоказолар йиғиндиси.

аспирант [лот. *aspirans (aspirantis)* - интилувчи] - аспирант: аспирантурада шуғулланувчи шахс

аспирантура [к. аспирант] - аспирантура:

- 1) МДХда илмий-педагогик ва илмий ходимларни тайёрлаш усули; 2) бирор олий ўқув юрти, илмий муассаса аспирантлари йиғиндиси

ассамблея [фр. *assemblee* - мажлис, йиғилиш] - ассамблея:

- 1) халқаро таъкилотларда баъзи раҳбарлик органлари номи; 2) йиғилиш.

ассоциация [лот. *associatio* - қўшилма, бирлашма] - ассоциация, уюшма:

- 1) таъкилот ёки шахсларнинг уюшмаси, иттифоқи.



атрибут [*лот. attributum* - қўшиб қўйилган] - атрибут:  
бирор воқеа, нарсанинг доимий, ажралмас белгиси.

атташе [*фр. attache* бириктириб қўйилган] - атташе:  
1) кичик дипломатик мартаба, унвон; 2) бирон соҳа (масалан, ҳарбий соҳа) вақили бўлган дипломатик ходим.

аттестат [*лот. attestari* - тасдиқламоқ, гувоҳлик бермоқ] - аттестат:  
1) а) ҳарбийларга бошқа хизмагга ўтказилганда, узоқ муддатли хизмаг сафарига юборилганда ва ҳоказода бериладиган ҳужжат; б) офицернинг оила аъзосига офицер маошининг бир қисмини олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат; 2) ўрта мактабни тугатганлик тўғрисидаги ҳужжат.

аттестация [*лот. attestatio* - гувоҳнома] - аттестация:  
1) ходим малакасини ёки ўқувчининг билим даражасини аниқлаш; 2) бирон шахснинг қобилияти, билими, ишбилармонлиги, хулки ва ҳоказо ҳақидаги мулоҳаза.

аудит [*лот. audit* - у эшитаётгани] - аудит:  
аудиторлик ваколати бўлган шахслар (аудиторлик фирмалари) томонидан хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботининг мустақил экспертиза ва таҳлил қилиниши.

аудитор [*лот. auditor* тинловчи] - аудитор:  
белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланган ҳуқуқини олган ва аудиторлар касбий (профессионал) рўйхатига (реестрига) киритилган мутахассис.

аукцион [*лот. auctio (auctio)is*] очик савдо] - аукцион, кимондин савдоси:  
қимматий кимондин савдоси.

аутентик [юн. *authentikos* ҳақиқий, дастлабки манба асосида] изох, матн - аутентик изох, аутентик матн:  
аутентик изох - ҳуқуқ нормасини расмий изохлаш турларидан бўлиб, уни қабул қилган орган томонидан талқин этилишидир. Аутентик матн - илк манбага асосланган матн.

- Б -

база [юн. *basis asos*] - асос, негиз; база:

1) бирор нарсанинг асоси, негизи, таянчи; 2) таянч пункти; 3) қўшин жойланган ҳудуд.

базис [юн. *basis asos*] - базис:

асос, таянч, пойдевор.

баланс [фр. *balance тарози*] - баланс; мувозанат:

1) мувозанат, бараварлик; 2) бирон-бир ҳодисанинг айрим томонларини солиштириш ёки қарама-қарши қўйиш орқали шу ҳодисани тавсифловчи кўрсаткичлар тизими.

бандит [ингл. *bandit қароқчи*] - бандит, босқинчи:


банда иштирокчиси, қуролланган босқинчи.

бандитизм [қ. *бандит*] - бандитизм:

жамоат ҳавфсизлигига қарши қаратилган жиноят; фуқароларга ёки корхоналарга ҳужум қилиш мақсадида қуролли гуруҳ тузиш, бундай гуруҳларда иштирок этиш ёки гуруҳ томонидан уюштирилган ҳужумларда қатнашиш орқали содир этилган жиноят.

банк [итал. *banco (banca)* курс, пул алмаштирадиган дўкон] - банк:

молия корхонаси, бўли пул маблағларини (омонатларини) тўплайди, уларни қар (депозит, ссуда) шифатида вақтинча фойдаланишга қўяди; банк қорғонхона, таъкилот



1595

ёки айрим шахсларнинг ўзаро тўлов ва ҳисоб-китобларида воситачилик қилади, мамлакатда пул муомаласини, шу жумладан, янги пуллар босиб чиқаришни (эмиссияни) тартибга солиб туради.

банкнот [ингл. *bank-note* банк билети] - банкнот: банк билетлари, марказий эмиссия банклари томонидан муомаллага чиқариладиган қоғоз пуллар.

банкрот [итал. *bancarotta* синиқ курси] - банкрот: 1) тўловга лаёқатсиз қарздор; 2) қудратини йўқотган, синган, мағлубиятга учраган шахс, корхона.

бизнес [ингл. *business* иш, машғулот, касб; савдо корхонаси] - бизнес:

1) даромад ёки бошқа шахсий фойда келтирувчи фаолият; 2) савдо операцияси, муомаласи.

бипатрид [лот. *bi* икки + юн. *patris* (*patridos*) ваган] - бипатрид: икки ёки бир неча давлат фуқаролигига эга бўлган шахс.

биржа [лот. *bursa* ҳамён, кармон] - биржа: умумистеъмол товарларининг кўтара савдоси, шу жумладан, халқаро савдоси ташкилий шакли Қимматли қоғозлар, олтин, валюта олди-сотдиси доимий равишда амалга ошириладиган жой.

бланк [фр. *blanc* оқ, тоза] - бланк, иш қоғози: муайян шаклда ҳужжат тузиш учун идора, корхона, ташкилот номи босилган қоғоз.

брак [нем. *brack* нуқсон, камчилик < *brechen* синдириш] - брак: 1) сифатсиз, бирор нуқсонли бўлган маҳсулот; 2) чикиз, бузук (яроқсиз) нарса.

браконьер [фр. *brasonnier* - ит билан ов қилувчи] -

браконьер:

қонунга зид равишда ёввойи ҳайвонларни овлаш, балиқ тутиш ва ҳоказо билан шуғулланувчи шахс.

брифинг [ингл. *brief қисқача*] - брифинг:

расмий кишиларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви.

брокер [ингл. *broker синдирувчи*] - брокер:

алоҳида шахс ёки фирма бўлиб, фонд, товар ва валюта биржасида битим тузишда воситачилик қилади.

бухгалтер [нем. *Buch китоб+ halter сақловчи, асровчи*] -

бухгалтер:

ташкilotнинг молиявий ҳисоби, ҳисоботи бўйича масъул бўлган мансабдор шахс.

бухгалтерия [к. *бухгалтер*] - бухгалтерия:

ташкilot ва корхоналарнинг бухгалтерлик ҳисобини амалга оширувчи таркибий бўлинма.

бюджет [фр. *budget қопчик*] - бюджет:

1) давлат, корхона, муассасанинг муайян даврдаги даромад ва харажатлари рўйхати; 2) шахсинг, оиланинг муайян даврдаги ялпи даромад ва харажатлари.

бюллетень [итал. *bulletino варақа, қисқа хат*] - бюллетень;

ахборот:

1) расмий ҳужжатлар, фармойишлар ва шу қабилар гўплами; 2) қисқача расмий маълумот; 3) сайлов варақаси; 4) меҳнатга лаёқатсизлик варақаси.

бюрократ [фр. *bureau муассаса + юн. kratos ҳокимият*] -

бюрократ:

ўз вазифасини юзаки бажарувчи, қоғозбоз амалдор.

бюрократизм [к. *бюрократ*] - бюрократизм:

1) ижрочи ҳокимият аппаратини жамият аъзолари иродасидан ажратиб қўйишга асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий бошқарув тизими; 2) қуруқ расмиятчилик билан иш кўриш, қоғозбозлик, сансалорлик.

- В -

валюта [итал. *valuta қиймат, баҳо*] - валюта:

1) муайян давлатнинг пул бирлиги; 2) пул системасининг тури (олтин, кумуш, қоғоз валюта); 3) хорижий давлатларнинг пуллари, халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган хорижий пул бирлигидаги кредит ва тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар ва ҳ.к.).

вандализм [лот. *vandali(i)* қадимги герман қабиласи номидан] - вандализм:

маданий ва моддий бойликларни шафқатсиз йуқ қилиш.

варрант [ингл. *warrant ваколат, вакиллик ҳуқуқи*] - варрант:

1) маълум муддат ёки чекланмаган муддат давомида белгиланган нарҳда қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома; 2) товар оморга сақлаш учун қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат; ҳужжат эгаси унда кўрсатилган товарни гаровга қўйиб, қарз олиш ҳуқуқига эга бўлади.

вассал [лот. *vassus хизматкор*] - вассал:

бўйсундирилган, тобе, қарам шахс ёки давлат.

ваучер [ингл. *voucher тилхат*] - ваучер:

ёзма гувоҳнома, кафилилик, кафолат ёки тавсия; товар ёки хизматлар тўловини, кредит беришни, пул олишни ва бошқаларни тасдиқловчи ҳужжат.

вексель [нем. *wechsel* алмаштириш] - вексель:

қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти; қарз олувчи томонидан кредиторга берилиб, кредиторга белгиланган муддатдан сўнг қарздордан векселда кўрсатилган пул суммасини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

вердикт [лот. *vere dictum* тўғри айтилган] - вердикт:

махсус чақириладиган суд маслаҳатчиларининг иштирокида кўрилган иш юзасидан судланувчининг айбли ёки айбсизлигини аниқлайдиган ҳолат ҳақидаги хулоса.

версия [лот. *versio* кўринишини ўзгартириш, бурилиш] - версия:

тергов ва суд фаолиятида терговчи ёки суднинг воқеа ва фактларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақидаги таҳмини.

вето [лот. *veto* ман қиламан, тақиқлайман] - вето:

1) давлат бошлиғининг парламент қабул қилган қонун лойиҳасини имзолаш ва кучга киритишни рад этиши;  
2) бирор қарорнинг қабул қилинишига монелик қилувчи бирдамликнинг йўқлиги.

виза [лот. *visa* кўрилган] - виза (рухсатнома):

паспортга кўйиладиган белги; бу белги муайян шахснинг бошқа давлат ҳудудига киришига, ундан чиқиб кетишига ёки шу давлат ҳудуди орқали ўтишига рухсат берилганлигини билдиради.

виндикация [лот. *vindicatio, vindico* даъво қиламан, талаб қиламан] - виндикация:

мулк эгаси (даъвогар)нинг ўз мулкни ноқонуний тарзда эғаллаб олган бошқа шахсдан суд орқали талаб қилиши.

вице [лот. *vice ўрнига*] президент - вице-президент:  
вице - ўринбосар маъносига тенг келувчи олд кўшимча; президент - қ. *президент*.

вотум [лот. *voluntaria, истак, хоҳиш*] - вотум (фикр билдириш, истак билдириш):  
сайловчилар ёки вакиллик органларининг кўпчилик овоз билан қабул қилган қарори ёки фикри.

- Г -

газета [итал. *gazzetta чақа, танга*] - газета:  
катта варақаларда бериладиган кундалик нашр.

гвардия [фр. *garde соқчи*] - гвардия:  
давлат бошлиғи ёки ҳарбий бошлиқнинг шахсий кўриқчилари; сараланган, энг яхши ҳарбий қисмлар.

гегемония [юн. *hegemonia ҳукмронлик, биринчилик*] - гегемония, етакчилик:  
устунлик, йўлбошчилик; бирон давлатнинг бошқа давлатларга нисбатан етакчилик роли.

генерал [лот. *generalis умумий, бош*] - генерал:  
қуролли кучлардаги ҳарбий унвон; ички ишлар хизмати унвони; божхона хизмати унвони ва бошқалар.

геноцид [юн. *genos насл, уруғ + лот. caedere ўлдириш*] - геноцид:  
муайян миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳлар вакилларини ўлдириш, уларнинг саломатлигига зарар етказиш, туғилишга қаршилик қилиш йўли билан қисман ёки батамом йўқ қилиш ҳаракати. Инсониятга қарши қарагилган жиноят.

герб [нем. *erbe мерос*] - герб:  
давлат, шаҳар, уруғ ва х.к.ларнинг рамзий белгиси.

гипотеза [юн. *hypothesis* асос, тахмин] - гипотеза:

хуқуқ нормасини қўллаш шарти, бирон-бир ҳуқуққа эга бўлиш (мас., қариллик пенсиясини олиш учун белгиланган ёшга етиш).

гомосексуализм [юн. *homos* тенг, бир хил, ўзаро, умумий + лот. *sexualis* жинсий] - гомосексуализм:

жинсий бузуклик, ўз жинсидаги одамга жинсий майл (хирс).

гран-при [лот. *grandis* катта + фр. *prix* мукофот] - гран-при:

халқаро фестивалларда, мусобақаларда олий мукофот.

грант [ингл. *grant* ёрдам; ҳалъя, тухфа] - грант:

грант берувчи ташкилотлар шартлари асосида ўқув, илмий-тадқиқот ишлари учун фуқаролар ёки юридик шахсларга бериладиган пул маблағлари.

- Д -

дактилоскопия [юн. *daktylos* бармоқ + *skopeo* қарайман] - дактилоскопия:

одам қўли, оёғи қолдирган изларни ўрганувчи криминалистика бўлими

дебитор [лот. *debitor* қарздор] - дебитор:

муайян корхона, ташкилот ёки муассасага қарздор юридик ёки жисмоний шахс.

девальвация [лот. *de* пасайиш + фр. *evaluation* баҳо] - девальвация:

миллий ёки халқаро (регионал) пул бирлиги курсининг бошқа давлатлар валюталари, халқаро валюта бирликларига нисбатан пасайиши.



дезертир [*лот. desertio ёрдамсиз қолдирини, қочини*] -  
дезертир:

ҳарбий хизматни ўташдан беш тортини мақсадида ҳар-  
бий қисмин ёки хизмат жойини ташлаб кетган, ҳарбий  
хизматга келмаган шахс.

декан [*лот. decanus ўнбоши*] - декан:  
олий ўқув юртида факультет раҳбари.

декларация [*лот. declaratio баён қилини, эълон қилини*] -  
баёно; декларация:

1) давлат, ҳукумат, партия, ташкилот номидан баёно;  
2) асосий принципларни танлагани равишида эълон қи-  
лини ва шу принциплар ифодаланган ҳужжат; 3) чегара  
орқали бойлик ёки товар олиб ўтишида, уларнинг номи  
миқдори, қиймати, қандай жойланганини кўрсатилиб  
божхонага тақдим этиладиган билдиришнома; 4) со-  
лиққа тортилганидан фуқаронинг даромад миқдори, мул-  
ки ва ҳоказо ҳақидаги маълумотномаси; 5) чет элга  
юборилаётган пулни ва қимматли пакетларга қўшиб  
жўналадиган, пакетлардаги нарсалар ва уларнинг  
қиймати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган почта  
ҳужжати.

декрет [*лот. decretum қарор*] - декрет:  
бирон масала юзасидан чиқариладиган ҳукумат қарори.

делегат [*лот. delegatus юборилган, элчи*] - делегат, вакил:  
давлат, ташкилот, жамоанинг сайланган ёки тайинлан-  
ган вакили.

делегация [*лот. delegatio юборини, тайинлави*] - делегация,  
вакиллар:  
конференция, съезд, халқаро музокаралар ва бешқалар-  
да давлат, ташкилот, жамоа манфаатларини ифода этув-  
чи вакиллар гуруҳи.

деликт [*лот. delictum бузиш, гуноҳ*] - деликт:

хукукбузарлик, гайриконуний ҳаракат, жиноят; халқаро хукук субъектининг халқаро хукук нормаларини бузишга олиб келадиган ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) - халқаро деликт деб юритилади. Халқаро деликт айбодори эса деликвент дейилади.

демарш [*фр. demarche чиқилиш, ҳаракат*] - демарш:

бирор ҳукумат ёки учинг органларининг бошқа ҳукумат (ёки ҳукуматлар)га илтимос, норозилик, огоҳлантириш ва бошқа фақулудда баёнотлар билан чиқилиши.

демилитаризация [*лот. de бекор қилиш + лот. militaris ҳарбий*] - демилитаризация:

бирор давлатнинг ҳарбий санъатга, ҳарбий кучларга ва ҳоказога эга бўлишини халқаро шартнома орқали таққилаб қўйиш; худудини демилитаризациялаш тушунчаси халқаро шартномага ёки давлат ички ҳужжатига асосан муайян худуддаги ҳарбий истеҳком ва иншоотларни йўқ қилиш, у ерларда ҳарбий базалар ва куролли кучлар сақланишини ман этишни ўз ичига олади.

демократия [*юн. demos халқ + kratos ҳокимият*] -

демократия:

фуқаролар эркинлиги ва тенглиги қонуларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ва юзаси чиқарилган сиёсий ту.ум.

демнинг [*ингл. dumping танлаш*] - демнинг:

товарларни танқи бозорда ички бозордагига нисбатан арзон баҳода сотиш;

денатурализация [*фр. denaturalisation фуқароликдан маҳрум бўлиш*] - денатурализация:

бирор давлат фуқаролигини йўқотиш, фуқароликдан маҳрум бўлиш.

деноминация [лот. *de nominatio + nominatio nom*] -

деноминация:

пул муомаласини тартибга солиш ва миллий валютага мустаҳкамлаш мақсадида мамлакат пул бирлигини (қайта номламадан) йириклаштириш.

денонсация [лот. *denuntiatio билдириш, хабарлаш*] -

денонсация (бекор қилиш):

бир давлатнинг бошқа давлатга ўзаро тузилган шартноманинг бекор қилинганлигини билдириши.

депозит [лот. *depositum сақлашга берилган буюм*] - депозит:

1) кредит муассасаларига (банкка, омонат кассаларига) сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ёки қимматли қоғозлар (акция, облигациялар); 2) қарздор қарз берувчига бериб қўйиш учун суд муассасаларига топширган пул ёки қимматли қоғоз.

депозитарий [қ.депозит] - депозитарий:

1) депозитлар ишониб бериб қўйилган юридик ёки жисмоний шахс; 2) халқаро шартноманинг асл матнини сақловчи давлат ёки халқаро ташкилот.

депонент [лот. *deponens (deponentis) асраб, сақлаб қўювчи*] - депонент:

1) давлат муассасаларига ўз бойликларини депозитга қўйган жисмоний ёки юридик шахс; 2) корхона ёки муассасадан бирон сабабга кўра ўзига тегишли бўлган муайян пул суммасини ўз вақтида олмаган жисмоний ёки юридик шахс.

депортация [лот. *deportatio қувғин, сургун*] - депортация:

жиноий ёки маъмурий жазо чораси сифатида давлатдан мажбуран чиқариб юбориш, ҳайдаш.

депутат [*лот. deputatus вақит этилган*] - депутат:  
қонун чиқарувчи ёки бошқа вакиллик органига сайланган шахс.

детектив [*лот. detectio очини, ошкор қилиш*] - детектив, изкувар:  
1) қидирув полициясининг агенти, изкувар; 2) алабиёт асари.

де-факто [*лот. de facto амалда, ҳақиқатда*] - де-факто:  
ҳақиқатда; амалда, факт сифатида. Янги давлатнинг халқаро ҳуқуқда қисман эътироф қилиниши.

дефляция [*лот. deflatio пуфлаш, шишириш*] - дефляция:  
инфляция даврида чиқарилган ортиқча пулларнинг бир қисмини муомаладан олиб қўйиш.

де-юре [*лот. de jure юридик асосда, расман*] - де-юре:  
расмий равишда; қонун бўйича. Янги давлатнинг халқаро муносабатларда қатнашишининг бошқа давлатлар томонидан тўла эътироф этилиши.

дивиденд [*лот. dividendus тақсимланиши керак бўлган*]-  
дивиденд:  
акциядорлик жамияти соф фойдасининг акциялар сонига мос равишда акциядорларга тақсимланадиган бир қисми.

диктатор [*лот. dictator ҳукмдор*] - диктатор, яқка ҳоким:  
давлатни бошқаришда чексиз ҳокимият эгаси.

диктатура [*лот. dictatura чекланмаган ҳокимият*] - диктатура:  
шахс, гуруҳ, синфнинг чекланмаган ҳокимияти.

дилер [ингл. *dealer* битим тузувчи] - дилер:

қимматли қоғозлар, товарлар ва валюталар олиди-сотди савдо битимларида воситачи шахс ёки фирма.

диплом [юн. *diploma* - (икки букланган) варақ, ҳужжат] - диплом:

1) олий ёки ўрта махсус ўқув юртини битирганлик, шунингдек, илмий унвон, илмий даража берилганлиги ҳақидаги расмий гувоҳнома; 2) илмий кашфиёт ёки техник ихтиро қилганлик ҳақидаги расмий гувоҳнома; 3) кўрсатган хизматлари, эришган ютуқлари учун берилган мукофот.

дипломатия [фр. *diplomatie* удлабурунлик] - дипломатия:

1) давлат ташқи сиёсатини амалга ошириш усуллари-дан бири; 2) хорижий давлатлар билан музокара ва муносабатларда қўлланиладиган усул ва услублар йиғиндиси

директор [лот. *director* < *dirigere* йўналтирмақ] - директор: муассаса, корхона ёки ўқув юрти раҳбари.

дирекция [к. *директор*] - дирекция:

муассаса, корхона, ўқув юртининг директор бошчилигидаги раҳбарлик органи.

дискриминация [лот. *discriminatio* фарқлаш, ажратиш] - дискриминация, камситиш:

1) айрим тоифадаги фуқароларни уларнинг ирқи ёки миллатига, жинсига, диний ва сиёсий эътиқодига қараб ҳуқуқларини чеклаш ёки ҳуқуқлардан маҳрум этиш; 2) халқаро муносабатларда бирор давлатга, унинг муассасаларига ёки фуқароларига бошқа давлатларникига нисбатан камроқ ҳуқуқлар берилиши.

дисмисл [ингл. *dismissal* бўшатиш] - дисмисл:

дипломатик ҳуқуқда дипломатни хусусий шахс деб

эълон қилиш. Хусусий шахс деб эълон қилинган, яъни ишдан бўшатилган дипломат дипломатик имтиёзлардан маҳрум этилиб, ўзи яшаб турган мамлакатнинг оддий хорижий шахсларга тааллуқли бўлган қонун-қоидаларига бўйсунди.

диспозиция [лот. *dispositio* жойлашиш] - диспозиция: ҳуқуқ нормаларининг муайян буйруқлар, кўрсатмалар, тақиқларни ўз ичига олган қисми.

диссидент [лот. *dissidens(dissidentis)* қарши чиқувчи, но-рози] - диссидент:

1) ҳукмрон динга эътиқод қилмайдиган одам; 2) ҳукмрон мафкурага рози бўлмаган, бошқача фикрловчи киши.

дотация [лот. *dotatio* совға] - дотация:

корхона, муассаса ва хўжаликка бирор мақсадда, масалан, уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш учун давлат бюджетидан ажратилган қўшимча маблағ.

- И -

идентификация [лот. *identificare* айнанлаштирмак, тенглаштирмак] - идентификация:

криминалистикада - умумий ва хусусий белгиларига қараб объект ёки шахснинг айнанлигини аниқлаш.

иммунитет [лот. *immunitas (immunitatis)* халос бўлиш] - иммунитет:

1) дипломатик вакиллар фойдаланадиган алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар; 2) қонун чиқарувчи давлат органлари депутатларининг дахлсизлиги; 3) гувоҳ бўлмаслик дахлсизлиги.

империя [лот. *imperium* ҳокимият] - империя:

подшо, қирол, император бошқарадиган давлат.

- импорт [*лот. importare олиб кириш*] - импорт:  
 ички бозорда соғиш ёки учинчи бир давлатга транзит қилиш учун мамлакатга чет эллардан товарлар, хизматлар, қимматли қоғозлар ва ҳоказо олиб кириш.
- инаугурация, инаугурация [*ингл. inauguration лавозимга тантанали киришиш*] - инаугурация:  
 янгидан сайланган давлат бошлиғининг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросим.
- инвентаризация [*лот. inventarium буюм рўйхати*] - инвентаризация:  
 корхона, ташкилот, муассасалар балансида турган ашёларнинг мавжудлигини, уларни қандай сақланаётганлигини, шуниқдек, омбор хужалиги буйича маълумотларни даврий равишда текширишдан ўтказиш.
- инвестиция [*лот. investire кийинтириш*] - инвестиция:  
 бирор корхонага ёки бирор лойиҳага узоқ муддатга капитал қўйиш.
- индексация [*лот. index кўрсаткич, рўйхат*] - индексация:  
 инфляция шароитида пулнинг ва турли даромадларнинг ҳақиқий қийматини сақлаб қолиш усули.
- индоссамент [*лот. in- га + dorsum- орқа*] - индоссамент:  
 вексель, чек ва бошқа қимматли қоғозларнинг орқа тарафига битилган шу хужжатларга эгалик ҳуқуқининг бир шахсдан иккинчисига ўтказилишини билдирувчи ёзув.
- инкорпорация [*лот. incorporatio қўйиш*] - инкорпорация:  
 амалдаги тарқоқ қонун ва норматив хужжатларни хронологик ёки алифбо тартибда, соҳалар буйича системалаштириш.

инспектор [лот. *inspector* кузатуғчи, назоратчи] - инспектор, назоратчи:

қарамондаги органлар ва шахслар олиб бораётган фаолиятнинг тўғрилигини ёки бирор соҳа бўйича қонунларнинг амалга оширилишини назорат қилувчи мансабдор шахс.

инспекция [лот. *inspectio* кузатиш, назорат] - инспекция, назорат:

1) қарамондаги органлар ва шахслар олиб бораётган фаолиятнинг тўғрилигини назорат қилувчи ва текширувчи тизим; 2) назорат органлари.

инстанция [лот. *instantia* бевосита яқинлик] - инстанция, босқич:

маъмурий ва суд ҳуқуқига оид термин бўлиб, бирор муассасанинг ўша системадаги юқори ташкилот ва қуйи ташкилотга нисбатан тутган ўрнини билдиради. Суд инстанцияси эса муайян ҳуқуқ доирасига эга бўлган судла ишнинг кўрилиш босқичини англатади.

институт [лот. *institutum* тузиш, ўрнатиш] - институт:

1) муайян доирадаги ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ нормалари мажмуи; 2) махсус олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасалари номи.

интеграция [лот. *integratio* тиклаш, гўдиршиш < *integer* бутун] - интеграция:

1) икки ва ундан ортик давлатларнинг иқтисодийгини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш; 2) айрим қисмларни, элементларни қўшиб бирлаштириш.

интеллект [лот. *intellectus* ақл, идрок] - интеллект:

ақл, идрок, зеҳн; одамнинг фикрлаш қобилияти.



интеллектуал [лот. *intellectus* ақл, *идрок*] мулк - интел-  
лектуал мулк:

ижодий фаолиятнинг натижаларига бўлган мутлақ ҳу-  
қуқлар йиғилдиси; у алабий, бадний, илмий асарларга  
оид бўлган ҳуқуқларни ўз ичига олади.

интервенция [лот. *interventus (interventio) аралашув*] - ин-  
тервенция:

бир ёки бир нечта давлатнинг бошқа давлат ишига зў-  
равонлик билан (очиқ ёки яширин) аралашуви.

интерпол [фр. *Organisation internationale de police criminelle*,  
*Interpol* халқаро жиноят полицияси ташкилоти] -  
интерпол:

халқаро жиноят полицияси ташкилоти. Интерпол жи-  
ноятчиларни рўйхатга олишнинг халқаро маркази хи-  
собланади ва жиноятчилар, бедарак йўқолганлар, ўғир-  
ланган бойликлар бўйича халқаро қидирув ишларини  
мувофиқлаштиради.

инфляция [лот. *inflatio* шишиш, кўтарилиш] - инфляция:  
муомаладаги қоғоз пуллар ҳажмининг таклиф килина-  
ётган реал товарлар ҳажмига нисбатан ҳаддан ташқари  
ортиб кетиши натижасида қадрсизланиши.

инфраструктура [лот. *infra* тагида, *остида+structura* тузилиш,  
*ўзаро мойиллик*] - инфраструктура:

иншлаб чиқариш ва ноиншлаб чиқариш соҳалари мажмуи  
бўлиб, тақрор иншлаб чиқаришга шароит яратади: улар  
йўллар, алоқа, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва  
бошқа соҳалардан иборат. Асосий иншлаб чиқариш  
инфраструктураси эса энергия таъминоти, транспорт ва  
алоқа соҳаларидир.

ипотека [юн. *hypothēke гаров*] - ипотека:

қарз олиш учун кўчмас мулкни гаровга қўйиш.

кадастр [*фр. cadastre < юн. katastichon варақ, ресстр*] -  
кадастр:

1) муайян объектни даврий ёки доимий кузатиш орқали тузиладиган ахборотларнинг таснифланган мажмуи, масалан, ер кадастри, сув кадастри; 2) жон бошига ҳолиққа тортиладиган шахслар рўйхати; 3) объектларнинг баҳоси ва ўртача даромади ҳақидаги маълумотнома.

карантин [*итал. quaranta giorni қирқ кун*] - карантин: мамлакатга юқумли касалликлар ва кишлоқ хўжалик зараркунадаларининг кириб келиши олдини олиш учун давлат томонидан ўтказиладиган санитария тадбирлари.

кассация [*лот. cassatio бекор қилиш, бузиш*] - кассация:

1) қонун ва суд ишларини юритиш қоидалари бузилганлиги сабабли юқори суд органи томонидан қуйи суд органи чиқарган, ҳали қонуний кучга кирмаган суд қарори, ҳукмининг қайта кўриб чиқилиши, бекор қилиниши; 2) суд қарорини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ҳақидаги мурожаат.

квалификация [*лот. qualis қандай, қандай сифатда + facere қилмоқ*] - квалификация; малака; ихтисос:

1) жиноят ва фуқаролик ишларининг тергов ва суд органларида квалификация қилиниши - муайян жиноят ва ноқонуний ҳаракатга қонунда белгиланган моддани аниқлаб қўллаш; 2) бирон меҳнат турига касбий тайёрлик даражаси ва савияси; 3) касб, ихтисос.

кворум [*лот. quorum (praesentia sufficit) қатнашувчилар (сгарли)*] - кворум:

бирон органининг йиғилишида ёки мажлисида қабул қилинган қарор қонуний кучга эга бўлиши учун шу

йиғилиш ёки мажлисда қатнашини лозим бўлган кишилар сони.

квота [лот. *quota* улуш, ҳисса < *quot* қанча] - квота; ҳисса:  
1) сайлов квотаси - бир депутатнинг сайланиши учун зарур бўлган энг кам овоз миқдори; 2) ҳисса, қисм, пай, норма; ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳар бир иштирокчиси учун белгилаб қўйилган ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт ёки импорт ҳиссаси.

клаузула [лот. *clausula* ҳудоса] - клаузула (шартнома шarti): қонун, шартнома, васиятнома ва шу кабиларнинг шarti, шарҳи ёки алоҳида қондаси, банди.

клептомания [юн. *klepto* ўғирлайман + *mania* жиннилик, иштиёқ, майл] - клептомания:  
тўхтатиб бўлмас даражада ўғирликка интилиш касаллиги.

клиринг [ингл. *clear* ҳисоб-китоб қилиш] - клиринг:  
ўзаро талаб ва мажбуриятлар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими.

коалиция [лот. *coalitio* (*coalitus*) бирлашган] - коалиция:  
умумий мақсадга эришиш учун ташкил этилган кўнгилли бирлашма, иттифоқ; коалицион ҳукумат.

кодекс [лот. *codex* китоб] - кодекс:  
ҳуқуқнинг бирон соҳасини системага солувчи қонулар тўплами.

кодификация [лот. *codex* китоб, *codificatio* кодекс тузиш] - кодификация, кодекслаш:  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини қайта ишлаш йўли билан уларни бир бутушликка келтириш жараёни.

коллегия [лот. *kollegium* < *collega* урток. биродар] -

коллегия, ҳайъат:

бирон маъмурий ёки кенгаши органини ташкил қилувчи шахслар гуруҳи; суд коллегияси ва суд ҳайъати.

коллеж [фр. *college* биродар; ўқув жойи (*kollegien*-ўқувчи)]

- коллеж:

турли мамлакатларда ўрта таълим ўқув юрти. Ўзбекистонда касб-хунар коллежи - ўқувчиларга давлат таълим стандартлари асосида ўрта махсус, касб-хунар таълимини беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, таълаб олишган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратади.

командир [лот. *commendare* топшириш, юклаш] - командир:

ҳарбий қисм, бўлима, кема ва шу қабиларнинг бошлиғи.

комиссия [лот. *commissio* топшириқ] - комиссия:

1) бирон-бир вазифани бажариш ваколати бўлган шахслар гуруҳи ёки махсус орган; 2) бирон шахснинг (комиссионернинг) ўз номидан, лекин бошқа шахс (комитент) топшириғига кўра ва униш номидан битим тузиши; шундай битим тузганлик учун ҳақ.

комитент [лот. *committens* (*committentis*) топшириқ берувчи] - комитент:

бошқа шахсга (комиссионерга) муайян битимни ёки қатор битимларни ўз номидан, лекин комитент ҳисобидан амалга ошириш, топшириғини берувчи шахс.

коммунике [лот. *communico* хабар қилмаи] - коммунике:

ҳалқаро музокаралар, давлатлар ўртасида тузилган битимлар, мамлакат ички ҳаётидаги муҳим воқеалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқалар ҳақида ҳукуматнинг расмий хабари.

компенсация [*лот. compensatio ўрнини тўздиршиш*] - компенсация:

1) бирон нарса учун ҳақ, тўлов; 2) қонунда белгиланган ҳолатларда ишчи ва хизматчиларга бериладиган тўлов.

компиляция [*лот. compilatio талаш, ўғирлаш*] - компиляция: ҳеч қандай шахсий умумлаштирувчи қўшимчалар ёки талқинлар берилмай, ўзлаштириш йўли билан тузилган иш; мустақил ёзилмаган асар.

конвент [*лот. conventus йиғилиш, тўйданиш*] - конвент: баъзи давлатларда конституцияни тузиш ёки ўзгартириш учун чақириладиган қонун чиқарувчи органларнинг номи.

конвенция [*лот. conventio шартнома, битим*] - конвенция: бирон-бир махсус масалага оид халқаро шартнома, битим.

конверсия [*лот. conversio ўзгартириш*] - конверсия: алмаштириш, ўзгартириш, қайта ҳисоб-китоб қилиш; олдинги йилларда чиқарилган давлат заёмларини янги-си билан алмаштириш.

конгресс [*лот. congressus учрашув, мажлис*] - конгресс: 1) халқаро конференция; 2) баъзи хорижий давлатларда - қонун чиқарувчи орган.

кондиция [*лот. conditio (conditionis) шарт, ҳолат*] - кондиция: шартнома шартларига биноан предмет (товар) мос келиши лозим бўлган норма, стандарт, сифат.

кондоминиум, кондоминат [*лот. condominium < con- билан бирга + dominium эгалик қилиш*] - кондоминиум, кондоминат:

биргаликда эгалик, ҳукмронлик қилиш; халқаро ҳуқуқда - бирон ҳудудда давлат ҳокимиятини бошқариш ишларини икки ёки ундан ортиқ давлатнинг амалга ошириши.

консенсус [*лот. consensus келишув, яқдиллик*] - консенсус, келишув:

халқаро конференцияларда, музокараларда қатнашувчиларнинг баҳсли масалаларда ўзаро мақбул бир фикрга келиши.

консигнация [*лот. consignatio ёзма далил, ҳужжат*] - консигнация:

воситачи (консигнатор)ларнинг омборлари орқали товар сотиш шакли, бунда воситачининг омборига келиб тушган товар харидорга сотилгунга қадар бу товарга етказиб берувчи (консигнант) эгалик ҳуқуқини сақлаб қолади.

консорциум [*лот. consortium иштирок этиш, шериклик*] - консорциум:

монополия шаклларида бири, бир қанча банк ёки саноат корхоналари ўртасида вақтинчалик битим.

конспирация [*лот. conspiratio фитна*] - конспирация, сир сақлаш:

1) яширин ташкилотлар ўз фаолиятини махфий тутиши; 2) сир сақлаш.

конституция [*лот. constitutio қонун; тузилиш*] - конституция (асосий қонун):

давлатнинг юксак юридик кучга эга бўлган асосий қонуни.

консул [*лот. consul, фр. conseil* маслаҳат, кешани] - консул:  
бир давлат томонидан бошқа давлат шаҳарларидан би-  
рида доимий вакил этиб тайинланган лавозимли шахс.

консультант [*лот. consultans(consultantis)* маслаҳат берувчи] -  
консультант:  
ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича маслаҳат берув-  
чи мутахассис.

контингент [*лот. contingens(contingentis)* бир бирига беғиж] -  
контингент:  
1) муайян муносабатлар бўйича бир хил турух, тоифа-  
ни ташкил этувчи кишилар; 2) бирор нарсаинг муай-  
ян мақсадлар учун белгиланган чегаравий миқдори.

контрабанда [*лот. contra қарши + итал. bando* ҳукумат фар-  
мони] - контрабанда:  
товар, валюта ва бошқа қимматбаҳо буюмларни ғайри-  
қонуний йўл билан давлат чегарасидан олиб ўтиш.

контрагент [*лот. contrahens (contrahentis)* келишувчи] -  
контрагент:  
1) шартнома бўйича у ёки бу мажбуриятни ўзига олган  
шахс ёки муассаса; 2) бир-бирига шибаташ шартнома-  
даги ҳар бир томон.

контракт [*лот. contractus* келишув] - контракт:  
томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатишган  
ҳолда тузилган икки ёки кўн томонлама битим, шарт-  
нома.

контрактация [*қ. контракт*] - контрактация:  
маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва уни харид қилиш, сотиш  
билан шуғullanувчи ташкилотлар ўртасида контракт  
(шартнома) тузилиши.

контрафакция [*лот. contrafactio қатбақи*] - контрафакция: баъзи фирмаларнинг ўз маҳсулотларига бошқа машҳур фирмаларнинг товар белгиларини поконуний қўйиши.

конфедерация [*лот. confoederatio иттифок*] - конфедерация: 1) мустақиллиги (суверенитети) сақланган ҳолда баъзи масалаларда ўз фаоллиятларини мувофиқлаштириш мақсадида бирлашган давлатлар иттифоқи; 2) бирон-бир ташкилотлар уюшмаси, иттифоқи.

конференция [*лот. conferentia бир жойга тулланиш*] - конференция: бирон-бир масалани муҳокама қилиш, ҳал этиш учун ҳукумат ва партия ташкилотлари, ижтимоий, илмий ва бошқа ташкилотлар вакилларининг йиғилиши, мажлиси.

конфронтация [*лот. con қарши fronte пешона, фронт*] - конфронтация: қарама-қаршиллик, бир-бири билан ихтилофда бўлиш, тўқнашиш.

концессия [*лот. concessio руҳсат этиш, ён бериш*] - концессия: 1) давлат ёки маҳаллий органлар тасарруфидаги табиий бойликларни, жорхоналарни ва бошқа хўжалик объектларини муайян муддатга фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартнома; 2) шундай шартнома асосида ташкил этилган корхона.

кооперация [*лот. cooperatio ҳамкорлик*] - кооперация: меҳнатни ташкил этиш шакли, бунда қўш сонли кишилар бир ёки ўзаро боғланган бир неча хилдаги меҳнат жараёнида иштирак эгаллар.



кооптация [лот. *cooptatio* қўшимча сайланиш, қўшимча сайлов] - кооптация:

сайлаб қўйиладиган органлар таркибига қўшимча сайловлар ўтказмай туриб, янги аъзолар ёки номзодлар киритиш.

корпорация [лот. *corporatio* бирлашма, ҳамжамият] - корпорация:

- 1) касб ёки табақа манфаатлари умумийлиги асосида бирлашган кишилар гуруҳи, жамияти, иттифоқи;
- 2) баъзи мамлакатлар ҳуқуқшунослигида юридик шахс, ташкилотни билдиради

корпус [лот. *corpus тана*] - корпус:

- 1) бирон давлатдаги барча дипломатлар, консуллар;
- 2) қонун чиқарувчи корпус - айрим қонун чиқарувчи муассасалар номи ёки қонун чиқарувчи органнинг барча палаталари депутатлари.

коррупция [лот. *corruptio сотиб олиш*] - коррупция: мансабдор шахсларнинг ўзларига ишониб топширилган ҳуқуқлари ва ҳокимият ваколатидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши. Коррупция пора-хўрлик, мансабини суиистеъмол қилиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни ўз ичига олади.

кредит [лот. *creditum қарз < credere ишонмоқ*] - кредит: пул ёки товарларни маълум муддатга қарзга бериш.

кредитор [к. *кредит*] - кредитор:

кредит берувчи, бирон нарсани қарзга берувчи шахс, компания ва ҳ.к.

криминалистика [лот. *criminalis - жиноятга тегишли*] - криминалистика:

жиноятни очиш усуллари ва воситалари ҳақидаги фан.

криминология [лот. *crimen*(*criminis*) жиноят + юн. *logos* таълимот, тушунча] - криминология:  
жиноятчилик сабаблари ва шароитларини ўрганадиган, унга қарши қураш ва олдини олиш усуллари ҳақидаги фан.

криптография [юн. *kryptos* яширин, махфий + *grapho* ёзаман] - криптография:  
xabардорларгина биладиган махфий ёзув усули, махфий ёзув.

курс [лот. *cursus* < *currere* югурмоқ, тез ҳаракат қилмоқ] - курс:  
1) акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар сотиладиган ва харид қилинадиган баҳо; 2) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқув даври босқичи.

- Л -

легализация [лот. *legalis* қонуний] - легаллаштириш:  
легал, ошкор ҳолатга ўтказиш, қонуний тусга кирги-зиш, қонуний деб билиш. Муайян ташкилот фаолиятига рухсат бериш, уни қонунийлаштириш; одатда чет элларда тузилган ҳужжатлар ёки чет давлатда амал қиладиган ҳужжатлар легаллаштирилади.

легитимация [лот. *legitimus* қонунга мос] - легитимация:  
бирор ҳуқуқнинг ёки ваколатнинг қонуний эканлигини эътироф этиш ёки тасдиқлаш; шундай ҳуқуқни ёки ваколатни тасдиқловчи ҳужжат.

лизинг [ингл. *lease* ижара] - лизинг:  
ихтисослашган лизинг компанияси воситачилигида асосий фондларга капитал қўйишни молиялаштиришнинг махсус тури. Лизинг компанияси учинчи шахс учун муайян товарга мулк ҳуқуқини олади ва уни қисқа, узоқ муддатларга ижарага беради. Лизинг деганда асо-

сий ишлаб чиқариш воситалари (машиналар, ускуналар, заводлар, транспорт, алоқа воситалари, омборлар) ва бошқа товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун ижарага бериш тушунилади.

**лицей** [юн. *Lykeion* Аристотель таълим берган Алоқдон Ликей ибодатхонаси ёнидаги ўрмонзор номидан] - лицей:

кўнчилик давлатларда ўрта таълим ўқув юрти. Ўзбекистонда академик лицей - давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини, чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўнаттирилган ўрта махсус таълим одинини таъминловчи муассасадир.

**лицензия** [лот. *licentia* ҳуқуқ, рухсат] - лицензия:

1) амалдаги қонунларга кўра муайян фаолиятни амалга ошириш учун давлат органлари томонидан бериладиган рухсатнома; 2) ихтиро, технология, ишлаб чиқариш сирлари ва ҳоказолардан фойдаланишга рухсат бериш.

- М -

**магистр** [лот. *magister* бошлиқ; мураббий, устоз] - магистр: тайрим мамлакатларда бакалавр ва фан доктори ўртасидаги илмий даража. Университетни ёки бакалавр илмий даражасини берадиган олий ўқув юртини битириб, кўшимча ўқини курсини тамомлаган, махсус имтиҳонларни топширган ва магистрлик диссертациясини ёқлаган шахс.

**мандат** [лот. *mandatum* топшириқ] - мандат:

бирор шахснинг ваколатини, ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

маркетинг [*ингл. market бозор, сотиш*] - маркетинг:  
янги маҳсулот яратиш, ишлаб чиқариш ва сотиш учун бозор талабини ўрганиш ва унга таъсир кўрсатиш бўйича чоралар тизими.

материал [*лот. materialis ашёвий, моддий*] - материал:  
1) асос ёки далил бўлиб хизмат қиладиган маълумот, хабар, манба ва ҳоказо; 2) бирор мақсад учун ишлатиладиган нарса, хомашё ва ҳоказо.

мафия [*итал. mafia*] - мафия:  
дўқ-пўниси, зўрлик, қотиллик усуллари билан иш кўрувчи яширин жинойт танкилот.

медаль [*фр. medaille < лот. metallum металл танга*] - медаль:  
жанговар хизматлари ёки меҳнатда эришган ютуқлари учун бериладиган нишон; бирон воқеа ёки атоқли арбоб шарафига чиқарилган нишон.

меморандум [*лот. memorandum эсда тутилдиган нарса*] - меморандум:  
1) муайян масаланинг моҳиятини тўла очиб берувчи дипломатик ҳужжат; 2) бирор масала бўйича билдиришнома, хизмат маълумотномаси.

милиция [*лот. militia қўшин*] - милиция:  
жамоат тартибини сақлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш билан шуғулланувчи маъмурий орган.

миссия [*лот. missio < mittere жўнатмоқ*] - миссия:  
1) муайян тошшириқ билан бошқа мамлакатга юборилган вакиллар; 2) бир давлатнинг бошқа давлатдаги (элчихонадан фарқли равишда) вакили томонидан бошқарилган доимий дипломатик ваколатхонаси.

митинг [*ингл. meeting учрашув*] - митинг:

қўндалик ҳаётдаги сиёсий ва бошқа долзарб масалаларни муҳокама қилиш, бирон-бир талабни қўзғатлаш, бирдамлик ёки порозитлик ифодалани учун оммавий йиғилиш.

мониторинг [*лот. monitor огоҳлантирувчи, эҳтиёт қилувчи + ингл. ing ҳаракат номини ясовчи қўшимча*] - мониторинг:

қабул қилинган қонунларнинг бажарилиш аҳволи, уларнинг ижсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартга мувофиқлиги масалаларини назорат қилиш (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалиётдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти шу масалалар билан шуғулланади).

монополия [*юн. monos якка + poleo сотаман*] - монополия: даклат, муайян шахслар гуруҳи ёки алоҳида шахснинг ишлаб чиқариш, савдо-сотик, ҳунармандчилик корхоналарига мутлақ эгаллик қилиш ҳуқуқи.

мораторий [*лот. moratorius секинлаштирувчи*] - мораторий: муайян мажбурият ва ҳаракатларнинг ижро этиш муддагини ҳукумат томонидан маълум вақтга узайтириш, тўхтатиб қўйиш.

- Н -

наркотик [*юн. narōtikos ташнайдиган, айинтайдиган*] моддалар - наркотик моддалар (тўғхвандлик моддалари): стрикан қосириқувчи, кайф берувчи ва ухлатувчи моддалар гуруҳи.

натурализация [*лот. naturalis ҳақиқий, қонуний*] - натурализация:

чет эллик кишининг яшаётган давлатдаги фуқаролик ҳуқуқини олиши.

нейтрализация [лот. *neutralis* унга ҳам бунга ҳам тегишл эмас] - нейтраллаштириш; бетарафлаштириш:

1) бирон нарсанинг, кишининг таъсирини камайтириш, кучини қирқиш; 2) бирон давлатнинг бетараф деб эълон қилиниши; 3) муайян ҳудуд (ёки сув) учун махсус халқаро тартиб белгиланиб, унга асосан мазкур ҳудудга эгалик қилувчи давлатнинг бу ерда истеҳкомлар қуриш, қуролини кучларни жойлаштириш ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқларининг бекор қилиниши.

номенклатура [лот. *nomenclatura* исмлар рўйхати] - номенклатура:

1) фан, техника, санъат ва бошқа соҳаларда қўлланувчи номлар, терминлар рўйхати; 2) юқори орган томонидан тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахслар доираси.

норма [лот. *norma* бурчак ўлчагич; ўлчов] - норма, меъёр:

1) қонун кучига эга бўлган қоида, мажбурий деб эътироф этилган тартиб; 2) белгиланган чегара, бирор нарсанинг ўртачаси.

норматив [лот. *normatio* тартибга солиш] - норматив:

норманинг иқтисодий, техникавий ва бошқа кўрсаткичлари; муайян иш уларга амал қилган ҳолда бажарилади, белгиланган дастур унга мувофиқ равишда амалга оширилади.

нота [лот. *nota* белги; мутоҳаза, нуқтан بازار] - нота:

бир давлатнинг бошқа давлатга расмий равишда дипломатик ёзма муносабати.

нотариат [к. *notarius*] - нотариат:

битимларни тасдиқлаш, мерос ҳуқуқини расмийлаштириш, ҳужжатларни гувоҳлаштириш ва шу каби вазифаларни бажарувчи орган.

нотариус [*лот. notarius котиб*] - нотариус:

юридик ҳужжатлар(шартнома, васиятнома, ишончнома ва ҳоказолар)ни расмийлаштирувчи, тасдиқловчи давозимли киши.

нотификация [*лот. notificare маълум қилиш*] - нотификация:

1) бир давлатнинг иккинчи давлатга халқаро ҳаётдаги у ёки бу масала юзасидан ўз нуқтаи-назарини расмий равишда маълум қилиши; 2) векселдорнинг берилган вексель бўйича эътирозини вексель берувчига билдириши.

ноу-хау [*ингл. know билмоқ + how қандай*] - ноу-хау:

тижорий қимматга эга бўлиб, ишлаб чиқаришда ҳамда касбий амалиётда қўлланиши мумкин бўлган ва патент ҳимояси билан таъминланмаган техника, тижорат, бошқарув, молня ва бошқа соҳаларга оид техник билим ва амалий тажриба. Ноу-хаунинг асосий хусусиятларидан бири - унинг сир сақланишидир.

- О -

облигация [*лот. obligatio мажбурият*] - облигация:

белгиланган фоииз бўйича йиллик даромад (мас., ютук шаклида) ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз.

объект [*лот. objectum буюм, нарса, предмет*] - объект:

1) муайян фаолият йўналтирилган нарса, ҳодиса;  
2) корхона, муассаса, шунингдек, бирон фаолият юртиш жойи.

округ [*рус. округ теварак-атроф*] - округ:

баъзи давлатларда маъмурий-ҳудудий бирлик; сайлов кампанияси ўтказиш учун вақтинча ташкил этилган ҳудудий бирликлар.

омбудсман [швед. *ombudsman* кимларнингдир манфаатлари вакили] - омбудсман, вакил:

бир қанча давлатларда - давлат органлари фаолиятида фуқаролар ҳуқуқи ва эркинлигига амал қилинишини кузатиб турувчи парламентнинг махсус лавозимли кишиси.

операция [лот. *operatio* ҳаракат] - операция:

1) муайян вазифани бажаришга қаратилган тугал ҳаракат ёки ҳаракатлар мажмуи (банк операцияси, жарроҳлик операцияси); 2) ҳарбий ишда - оператив бирлашмалар томонидан тузилган режа асосида амалга оширилган, мақсади, вақти ва жойи келишиб олинган ўзаро боғлиқ зарбалар, жанглар мажмуи.

оптация [лот. *optatio* танлаш; хоҳиш] - оптация:

фуқароликни танлаш; муайян ҳудуд бир давлатдан иккинчи давлатга ўтишида шу ҳудуд аҳолисига бериладиган ҳуқуқ, имконият.

опцион [лот. *optio (optionis)* танлаш] - опцион:

1) халқаро ҳуқуқда оптация; 2) фуқаролик ҳуқуқида муқобил мажбуриятни бажариш усулини танлаш имконияти, шунингдек, келгусида шартнома тузиш учун дастлабки келишув.

орган [юн. *organon* қурол, асбоб; восита] - орган:

ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасида муайян вазифаларни бажарувчи ташкилот, муассаса (конун чиқарувчи, суд ёки бошқа органлар).

орден [лот. *ordo (ordinis)* қатор, даража] - орден:

ҳарбий ёки фуқаролик соҳасида алоҳида хизматлари учун давлат томонидан бериладиган нишон.



ордер [*фр. ordre тартиб, буйрук*] - ордер:  
буйрук, фармойиш, ижозат берувчи расмий ҳужжат  
(мас. тинтув ўтказиш ҳақида ордер).

офицер [*лот. officarius < officium мансабдор шахс*] -  
офицер:  
куролли кучлар, шунингдек, милиция ва полицияда кў-  
мондонлик раҳбарлик таркибидаги шахс.

- П -

пай [*турк. "пай" ҳисса, улуш*] - пай:  
бирор ширкатда, акциядорлар жамиятида қатнашиш  
учун кўшиладиган ҳисса, улуш.

пакт [*лот. pactum шартнома*] - пакт, шартнома:  
одатда йирик сиёсий аҳамиятга эга халқаро битим.

палата, [*лот. palatium сарой*] - палата:  
1) давлат ҳокимияти вакиллик органлари ёки уларнинг  
айрим таркибий қисмлари номи; 2) баъзи давлат ёки  
жамоат ташкилотлари (савдо-саноат палатаси).

парламент [*фр. parler гапирмоқ*] - парламент:  
демократик давлатларда вакиллик ва қонун чиқарувчи  
олий орган.

парламентаризм [*қ. парламент*] - парламентаризм:  
бошқарув тизими, унда қонун чиқарувчи ва ижро этув-  
чи вазифалар аниқ белгиланади, парламент эса бонқа  
давлат ҳокимияти органларидан расман устун ҳисобла-  
нади.

парламентёр [*қ. парламент*] - парламентёр:  
урушаётган томонлардан бири иккинчиси билан музо-  
кара олиб бориш учун вакил қилган киши.

партия [*лот. pars(partis) қисм, ғуруҳ*] - партия:  
ғоявий жиҳатдан маслақдош, манфаатлари мушгарақ,  
шунингдек, муайян ишни бажариш учун ажратилган ки-  
шилар ғуруҳи.

паспорт [*итал. passaporto портга кириш рұхсатномаси*] -  
паспорт:  
ўз фуқароларининг шахсини тасдиқлаш учун давлат то-  
монидан бериладиган ҳужжат.

патент [*лот. patens(patentis) аниқ, очик*] - патент:  
1) ихтирочининг ўз ихтиросига муаллифлигини ва унга  
мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат; 2) савдо-сотик,  
хунармандчилик ва бошқа ишлар билан шуғулланиш  
учун бериладиган ҳужжат; 3) консулик патенти - кон-  
сулик ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

пенсионер [*қ. пенсия*] - пенсионер:  
пенсия олувчи киши.

пенсия [*лот. pensio тўлов*] - пенсия:  
пенсия ёшига етган, меҳнат қобилиятини йўқотган,  
узоқ йил хизмат қилган, боқувчисидан жудо бўлган ки-  
шиларга давлат томонидан доимий бериб бориладиган  
пул таъминоти.

персона грата [*лот. persona grata матлуб шахс*] - персона  
грата:  
муайян давлатга дипломатик вакилик номзоди шу дав-  
лат ҳукумати томонидан маъқуланган киши.

персона нон грата [*лот. persona non grata номатлуб шахс*]  
персона нон грата:  
бирор давлатга дипломатик вакил этиб тайинланишига  
ўша давлат ҳукумати томонидан розилик берилмаган  
ёки ишончли йўқотган ва чақириб олиниши лозим  
бўлган дипломатик вакил.

плагиат [лот. *plagiatus* ўғирланган] - плагиат:

ўзганинг муаллифлигини ўзлаштириб олиш, бошқа кишининг асарини ёки ихтиросини ўзиники қилиб кўрсатиш.

пленум [лот. *plenum* тўла] - пленум:

бирон партия, жамоат, давлат ташкилотининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органи аъзоларининг тўла таркибдаги мажлиси.

плюрализм [лот. *pluralis* кўплик] - плюрализм (фикрлар хилма-хиллиги):

жамият сиёсий системасининг хусусияти, бунда ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини ўз вакиллари (партиялар, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлар) орқали ифодаланиш учун ташкилий тартиб-қоида тусини олган имкониятларга эга бўлади.

полис [итал. *polizza* тилхат, патта] - полис:

сугурта жамияти томонидан сугурта қилинган шахс ёки муассасага бериладиган гувоҳнома.

полиция [юн. *politeia* шаҳар маҳкамаси] - полиция:

мавжуд ижтимоий ва давлат тузумини ҳимоя қилувчи ва тартиб сақловчи махсус маъмурий орган.

порнография [юн. *porne* фоҳиша + *grapho* ёзаман] - порнография:

адабий асарлар, тасвирий санъат, театр, кино ва бошқаларда жинсий ҳаётни вульгар-натуралистик, ҳаёсизларча тасвирлаш.

почта [итал. *posta* < *posita* отларни алмаштирадиган жой, бекат] - почта:

алоқа турларидан бири.

президент [*лот. praesidens (praesidentis) олдинда ўтирувчи*] - президент:

1) кўпчилик давлатларда сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи; 2) баъзи жамият, муассасаларда сайлаб қўйиладиган бошлик; 3) компания, корпорацияларда юқори лавозимли киши.

президиум [*лот. praesidere олдинда ўтириш, раислик қилиш*] - президиум, раёсат:

1) мажлис, кенгаши олиб бориш учун сайланган шахслар гуруҳи; 2) айрим жамоат ташкилотлари, муассасаларнинг раҳбар органи.

презумпция [*лот. praesumptio эҳтимолий тахмин*] - презумпция:

акси исботланмагунча тахминни юридик жиҳатдан ҳақиқий деб тан олиш.

прецедент [*лот. praecedens (praecedentis) олдинги, илгари бўлган*] - прецедент (сабоқ бўладиган ҳодиса):

1) олдин содир бўлиб, кейинги шундай воқеалар учун намуна, далил бўладиган воқеа; 2) суд ёки бошқа муайян давлат органининг бирон иш бўйича қарори, у кейинчалик шунга ўхшаш иш учун асос бўлиши шарт ҳисобланади.

прокуратура [*к. прокурор*] - прокуратура:

қонунларнинг аниқ ва бир хил ижроси устидан назорат қилувчи давлат органи. У жиноят иши кўзгатиш, айбловни ёклаш, суд процессида давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

прокурор [*лот. procurare ғамхўрлик қилиш*] - прокурор:

қонунларга риоя қилинишини ва уларнинг тўғри қўлланишини назорат қилиб турувчи, шунингдек, суд процессида қатнашувчи мансабдор шахс.

пролонгация [*лот. prolongare узайтириш*] - пролонгация (узайтириш):

шартнома, битим, заём, вексель ва бошқаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш.

протокол [*юн. protokollon биринчи (варақ) < protos биринчи + kollao елмаслашман*] - баённома; протокол:

1) бирон фактик ҳолат (йиғилишнинг бориши, тергов ҳаракатлари, суд мажлиси)ни қайд этилган расмий ҳужжат; 2) халқаро ҳуқуқда шартнома протоколи, дипломатик протокол амал қилади.

процесс [*лот. processus силжитиш*] - жараён; процесс:

1) ҳодисалар ҳолати, тараққиёт босқичлари ва бошқаларнинг изчил алмашишиб туриши - жараён; 2) суд иши, тергов, маъмурий ва суд органлари фаолияти - процесс.

процессуал [*к. процесс*] ҳуқуқ - процессуал ҳуқуқ:

ҳуқуқ системаси нормаларининг бир қисми бўлиб, у жиноятларни тергов қилиш, жиноий, фуқаролик, арбитраж, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш процессида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади.

психопатия [*юн. psyche руҳ + pathos азобланиш*] -

психопатия, руҳий азобланиш:

шахсга ҳос ҳусусиятлар, унинг акл-идроки сақланган ҳолда ирода ва ҳиссий ҳусусиятлари орасидаги алоқалар бузилишида намоён бўлади.

- Р -

рапорт [*фр. rapport < rapporter олиб келиш; олиб бориш; қайтариб олиб келиш*] - бивдирги; рапорт:

1) тошвирик ёки мажбурий бажарилаётгани, мехнат

таълим тусатанлиги тўғрисида белгилади; 2) ҳар бири бошликка тошчирик бажарилаётгани ҳақида ҳисобот.

**ратификация** [*лот. ratius* ҳал қилишган, тасдиқланган + *facere* қилмоқ] - ратификация, тасдиқлаш:

1) халқаро шартноманинг давлат ҳокимияти олий органи томонидан тасдиқланиши; 2) баъзи мамлакатларда конституцияга киритилган тузатишлар тасдиқланишининг махсус тартиби.

**рационализация** [*лот. rationalis* ақлли, оқилона] - рационализация:

муайян иш, фаолиятнинг усулларини ёки танқил қилинишини такомиллаштириши.

**реабилитация** [*лот. rehabilitatio* тиклаш] - реабилитация:

ҳуқуқни (суд орқали ёки маъмурий тартибда) тиклаш.

**регламент** [*фр. reglement* тартиб, қоида] - тартиб; регламент:

1) давлат органлари, муассасалари, танкилотларининг иш тартибини белгилайдиган қондалар мажмуи; 2) мажлис, конференция ва бонқаларни олиб бориш тартиби; 3) халқаро конгресслар ва конференциялар айрим ҳужжатларининг номи.

**регресс** [*лот. regressus* қайтарини, ортга ҳаракат] - регресс; таназзул:

1) регресс давво - даввогарга ёки бонқа тини тааллуқли шахсга қарини давво аризаси билан муурожаат қилиши; 2) ривожланишининг юқори даражадан қуйи даражага ўтиш тури, таназзул.

**реестр** [*наляк. rejestr* < *лот. regestrum* (*registrum*) рўйхат] - реестр, рўйхат:

иш ҳужжатлари, мол-мулк ва бонқалар рўйхати ва шу ҳужжатлар қайд қилинадиган дафтар.

резерв [лот. *reservare сақлаш, асраш*] - резерв; захира:

1) зарур бўлиб қолганда ишлатиладиган, ғамлаб қўйилган нарса; 2) ишга солинмаган янги воситалар, маблағлар, кучлар манбаи.

резидент [лот. *residens (residentis) ўтирувчи, жойида қолувчи*] - резидент:

1) элчидан қуйи даражадаги дипломатик вакил; 2) чет элда доимий яшовчи бирон мамлакат фуқароси; 3) бирон давлат худудида ҳаракат қилувчи чет эл разведкасининг махфий вакили.

резиденция [лот. *residentio манзил*] - резиденция: давлат, ҳукумат бошлиғи, йирик маъмурий шахс қароргоҳи.

резолуция [лот. *resolutio қарор*] - резолюция, қарор:

1) йиғилиш, конференция ва бошқаларда қабул қилинадиган қарор; 2) мансабдор шахсининг иш қоғози устига битилган фикри, қарори, фармойиши.

рейд [ингл. *raid ёпирилиб келиш, босиб келиш*] - рейд: муайян объектларни, корхоналар фаолиятини текшириш.

реквизит [лот. *requisitum талаб қилинадиган, зарурий*] - реквизит:

акт ёки бошқа ҳужжат (масалан чек, вексель)ни ҳақиқий деб топиш учун унда бўлиши керак ҳисобланган маълумотлар.

реквизиция [лот. *requisitio талаб*] - реквизиция:

шахс мулкани ҳақ тўлаб мажбурий равишда давлат эгаллигига тўла ёки вақтинча фойдаланиш учун олиш.

реклама [*лот. **g**eslatare қичқирмоқ*] - реклама:

1) истеъмола талабларини юзага келтириш мақсадида товарларнинг хусусиятлари ва хизмат турлари ҳақида бериладиган ахборот; 2) оммалаштириш мақсадида бирон шахс, ташкилот, нарса ҳақида маълумот тарқатиш.

рекламация [*лот. **g**eslamiatio эътироз, қатъий порозилик*] - рекламация;

бу юм тегишлича сифатга эга бўлмаганлиги сабабли харидор (бу юртмачи)нинг сотувчи (етказиб берувчи, пудратчи)га эътирози.

ректор [*лот. **r**ector бошқарувчи*] - ректор:

олий ўқув юрти раҳбари.

репатриация [*лот. **r**e...- янгидан, қайтадан + patria ватан*] - репатриация (ватанга қайтиш):

уруш оқибатида ватанидан ташқарига чиқиб кетган ҳарбий асирлар ва фуқароларни, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи тикланган муҳожирларни ўз ватанига қайтариш.

репрессалия [*лот. **r**eprehendere ушлаб қолмоқ, тўхтатмоқ*] - репрессалия:

халқаро ҳуқуқда - бир давлатнинг иккинчи давлат ноқонуний ҳаракатларига жавобан қўйлайдиган мажбурлов чоралари;

республика [*лот. **r**es мулк; иш + publica жамоат*] - республика:

1) давлатни идора этиш шакли, бунда давлат ҳокимиятининг юқори органлари муайян муддатга сайлаб қўйилади; 2) шундай бошқарувдаги давлат.

референдум [*лот. **r**eferendum билдирилиши керак бўлган*] - референдум, умумхалқ овоз бериши:

давлат ҳаётидаги бирон муҳим масалани умумхалқ овозига қўйиш.



рецидив [*лот. recidivus қайтувчи*] - рецидив:

илгари судланган шахснинг такроран ёки бир неча бор жиноят қилиши.

рецидивист [*қ. рецидив*] - рецидивист:

илгари судланиб, айнан шундай ёки ўхшаш жиноят содир этган шахс.

рәкет [*ингл. racket тунгула*] - рәкет:

зўрлик, кўрқитиш орқали товламачилик ва таъмағирлик қилиш.

- С -

саботаж [*фр. saboter бошимок (ковуш) билан тақиллатиш*] - саботаж:

1) муайян ишни агайин бажармаслик ёки пала-партиш бажариш; 2) бирон нарсанинг юзага чиқишига яширин қарши ҳаракат.

садизм [*француз ёзувчиси Маркиз де Сад номидан*] - садизм:

1) жинсий бузқунлик, жинсий қониқишга ахлоқий ва жисмоний азоб бериш орқали эришиш; 2) ўзгаларнинг азоб чекишидан розатланиш.

санация [*лот. sanatio даволаш, соғломлаштириш*] - санация:

1) банклар томонидан (аксарият давлат иштирокида) корхоналарнинг банкрот бўлиши олдини олиш ёки рақобат қувватини ошириш учун кўриладиган тadbирлар мажмуи (имтиёзли кредитлар, солиқ бўйича имтиёзлар ва бошқалар); 2) оғиз бўлишини врачнинг донимий кузатуви орқали даволаш.

санкция [*лот. sanctio қатъий қарор*] - санкция:

1) ҳуқуқбузарга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган эҳтиёт чораси; 2) муайян қонунни бузувчига нис-

батан давлат таъсири қўланиш мумкин бўлган кўрсатмалар; 3) жиноятда гумон қилинган шахсга нисбатан мажбурий чора кўриш учун прокурор томонидан бериладиган рухсат; 4) халқаро ҳуқуқда ўзи қабул қилган халқаро мажбуриятни ёки халқаро ҳуқуқ нормаларини бузган давлатга нисбатан қўланиладиган таъсир чораси.

сепаратизм [*лот. separatus ажратилган*] - сепаратизм; ажралиб чиқишга, бўлинишга интилиш.

сервитут [*лот. servitus (servitutis) бурч, мажбурият*] - сервитут:

кўп давлатлар қонунларида бошқа давлат мулкидан муайян чегарада фойдаланиш (масалан кўпини ер бўлагидан ўтиш) ёки мулкдорни муайян жиҳатдан чегаралаш ҳуқуқи (масалан, унинг ўз уйидан бошқаларнинг ҳовлисига дераза қўймаслиги); халқаро сервитут - бир давлат ҳудудий суверенитетини бошқа давлат ёки давлатлар фойдаси учун чегаралаш ҳуқуқи (яъни ўз ҳудудидан ҳарбий кучларни ўтказиш, йўлларида фойдаланиш учун рухсат бериши).

сертификат [*лот. certum тўғри + tacere қилмоқ*] - сертификат:

1) бирон фактни тасдиқловчи ҳужжат; 2) маҳсулот сифатига гувоҳлик берувчи ҳужжат .

сессия [*лот. sessio йнғилиш*] - сессия:

1) ваколатли органлар, суд, шимий муассаса, жамоат ташкилотларининг йнғилиш ўтказайтган даври; 2) олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг имтиҳон даври.

система [*юн. systema қисмлардан иборат (бутунлик); қўшилма*] - система; тизим:

1) ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлит-

лик, бирлик ҳосил қилувчи жуда кўп унсурлар (элементлар); 2) хўжалик бирликлари, ўз вазифаси жиҳатидан яқин ташкилий уюшувига кўра яхлит бўлган муассасалар мажмуи.

стандарт [*ингл. standard ўлчам, намуна*] - стандарт:

1) ўхшаш объектларни таққослаш учун асос қилиб олинадиган намуна, андоза, модель; 2) ваколатли органлар томонидан тасдиқланган норматив-техник ҳужжат.

статистика [*лот. status ҳолат*] - статистика:

1) ижтимоий ишлаб чиқариш ва жамият тараққиётининг миқдорий кўрсаткичларини йиғиб ишлов берувчи ва ўрганувчи фаи; 2) оммавий ҳодисалар миқдорини ҳисобга олиш.

статус [*лот. status ҳолат, вазият*] - мақом, ҳуқуқий ҳолат, статус:

фуқаро ёки юридик шахснинг ҳуқуқий ҳолати, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мажмуи.

статус-кво [*лот. status quo илгариги ҳолат*] - статус кво:

ҳалқаро ҳуқуқла - муайян вақтда мавжуд бўлган ҳолат.

субъект [*лот. subjectus остидаги; тобе*] - субъект:

муайян ҳуқуқлари бўлган ва мажбуриятлар юклатилган жисмоний ёки юридик шахс.

суверен [*фр. souverain олий, юқори*] давлат - суверен давлат:

суверенитетга эга, эркин, мустақил давлат.

суверенитет [*фр. souverainete олий ҳокимият*] - суверенитет: давлатнинг ички ва ташқи муносабатларда тўла мустақиллиги.

**суд** [умумславян. *судъ иш*] - суд:

- 1) амалдаги қонунлар асосида ва белгиланган процесуал қоидаларга биноан фуқаролик ва жиноят ишларини, маъмурий ишларни кўрадиган давлат органи;
- 2) шу орган томонидан ишларнинг кўрилиши.

**судья** [қ. *суд*] - судья:

- 1) суд органларида судга тушган ишларни кўрувчи, ҳукм ва қарор чиқарувчи лавозимли киши;
- 2) спорт мусобақаларида ҳакамлик қилувчи киши, ҳакам.

- Т -

**такса** [лот. *taxare баҳолаш*] - такса:

давлат ёки ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан аниқ белгиланган товарлар баҳоси ёки меҳнат ва кўрсатилган хизмат ҳақи миқдори.

**тариф** [араб. *"таъриф"* > фр. *tarif аниқлаш*] - тариф:

турли хизматлар учун тўлов ставкалари (ҳақлари) тизими. Ташқи савдон тартибга солишнинг анъанавий усули - божхона тарифидир.

**тендер** [ингл. *tender < tend хизмат қилмоқ, хизмат кўрсатмоқ*] - тендер:

буюртмаларни жойлаштиришнинг танлов шакли; у турли объектларни куриш, ҳар хил хизматларни бажаришга пудратчиларни жалб қилиш ва бошқа тадбирлар учун уюштирилади.

**террор** [лот. *terror қўрқинч, даҳшат*] - террор:

қўрқитиш сиёсати, сиёсий мухолифларни зўравонлик чоралари билан бостириш.

**терроризм** [қ. *terror*] - терроризм, террорчилик:

жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят; халқнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш ёки ҳокимият

органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир ўтказиш мақсадида одамларнинг ҳаётига хавф соладиган, мол-мулкка катта миқдорда зиён етказадиган ёки жамият учун хавфли оқибатларга олиб келадиган портлатиш, ўт қўйиш ёки бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек, юқоридаги ҳаракатларни амалга ошириш нияти билан дўқ-пўписа орқали тазйиқ ўтказиш.

**террористик** [*к. terror*] акт - террорчилик ҳаракати (акти). конституцион тузум асосларига ва давлат хавфсизлигига қарши қаратилган, давлат ёки жамоат арбоблари ҳаётига суиқасд қилиш билан боғлиқ бўлган ёвузлик.

**тоталитаризм** [*лот. totalis тўла, яхлит, бутун*] - тоталитаризм: сиёсий тартиб, жамиятда давлат ҳокимияти муайян бир гуруҳ (одатда сиёсий партия) қўлига ўтиши, демократик эркинликлар ва сиёсий мухолифлар пайдо бўлиш имкониятларининг чекланиши.

**трансферт** [*лот. transference кўчирмоқ, ўтказмоқ, жўнатмоқ*] - трансферт:  
1) чет эл валютаси ёки олтинни бир мамлакатдан иккинчисига ўтказиш; 2) номи ёзилган қимматли қоғозларга эгаллик ҳуқуқини бир шахс иккинчисига бериши; 3) халқаро битим асосида давлатлараро аҳоли алмаштириш, автоматик тарзда фуқароликни ўзгартириш.

**трасология** [*фр. trace из + юн. logos тушунча, таълимот*] - трасология: криминалистика бўлими, жиноят изи ҳақидаги таълимот. У изларни топиш усуллари, уларни топишга ёрдам берадиган илмий-техник воситаларни яратиш ишлари билан шуғулланади.

**трест** [ингл. *trust* ишонч] - трест:

1) монополистик бирлашма шаклларилаи бири, ишти-рок этувчилар ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мус-тақиллигини тўла йўқотиб, ягона боиқарувга бўйсунди; 2) маҳсулотларининг бир турдалиги ёки хомашёга ишлов бериш босқичлари бўйича ўзаро боғлашган кор-хоналар бирлашмаси.

**трибунал** [лот. *tribunal* суд қиладиган жой] - трибунал:

суд ҳайъати; фавқулодда ёки ихтисосланган суд, унда асосан ҳарбий хизматчилар, ҳарбийни ўтовчилар жинояти бўйича ишлар кўрилади.

- У -

**узурпация** [лот. *usurpatio* эгаллаб олиш] - узурпация:

куч ишлатиб ҳокимиятни эгаллаб олиш ёки ҳокимият-ни зўрлик билан ушлаб туриш. Барча демократик мам-лакатларда узурпация оғир жиноят ҳисобланади.

**ультиматум** [лот. *ultimus* энг охириги] - ультиматум:

дипломатик алоқаларни узиш ёки қуролли куч ишла-тиш билан таҳдид қилиб, бир давлатнинг иккинчи дав-латдан кўрсатилган муддатда қўйилган шартларнинг ба-жарилишини қатъий талаб қилиши.

**университет** [лот. *universitas (universitatis)* жами, умумий] -

университет:

олий ўқув юрти.

**унитар** [фр. *unitaire* < лот. *unitas* бирлик] давлат - унитар давлат:

давлатнинг ҳудудий тузилиш икки шаклининг бири. Агар бирор давлатнинг кўп қисми давлат тузилмалари мақомини олмаган бўлса, бу давлат унитар (ягона, бир бутун) давлат саналади. Унинг таркибида айрим-айрим мухтор миллий давлат тузилмалари бўлиши ҳам мум-

кин. Унитар давлатда битта конституция, битта фуқаролик, давлат ҳокимияти олий органларининг битта системаси бўлади.

- Ф -

**факт** [лот. *factum* қилинган] - факт:

1) ҳақиқатан бўлган воқеа, ҳолиса; 2) тўғрилиги исботланган билим. Юридик факт - қонунда кўзда тутилган аниқ ҳуқуқ муносабатларининг келиб чиқиши (ўзгариши, тўхтатилиши) учун асос бўладиган ҳолат.

**факультатив** [лот. *facultas (facultatis)* қобилият, имконият] протокол - факультатив протокол:

ҳалқаро ҳуқуқда кўп томонлама халқаро шартнома турларидан бири бўлиб, асосий шартноманинг иловаси сифатида мустақил ҳужжат шаклида имзоланади.

**факультет** [лот. *facultas (facultatis)* қобилият, имконият] - факультет:

олий ўқув юртининг муайян ихтисослик бўйича фанлар ўқитиладиган бўлими.

**фашизм** [итал. *fascio* боғлам, бирлашма] - фашизм:

тоталитар типдаги ижтимоий-сиёсий оқимлар, мафкуралар ва давлат тартиблари.

**федерализм** [фр. *federalisme* < лот. *foedus* иттифоқ] - федерализм:

давлат ҳудудий тузилиши икки шаклининг бири; у мураккаб иттифоқ характерида бўлади.

**федерация** [лот. *foederatio* иттифоқ, бирлашма] - федерация:

муайян юридик ва сиёсий мустақиллиги бўлган давлат тузилмалари (республика, штат ва бошқалар)дан ташкил топган иттифоқ давлат. Федерациянинг унитар дав-

латдан яна фарқи шундаки, давлат ҳокимияти олий органларининг икки системаси мавжуд. Шунингдек, унда икки палатали парламент бўлади.

фирма [*итал. firma* *имзо*] - фирма:  
юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик, ишлаб чиқариш ёки савдо корхонаси.

фонд [*лот. fundus* *асос*] - фонд, жамғарма:  
1) ресурслар, захиралар; 2) муайян мақсадга ажратилган пул маблағлари ёки моддий воситалар; 3) муайян тартибда шаклланидиган ва фойдаланиладиган маблағлар.

фракция [*лот. fractio* *бузиш, синдириш*] - фракция:  
парламентда ўзи мансуб бўлган партия аъзоларининг бирлашуви.

- X -

хартия [*юн. chartion* *қоғоз, ёрлиқ*] - хартия:  
халқаро ҳуқуқда декларация сўзининг синоними, умумий принциплар ва мақсадларни ўзида мужассамлаштирган халқаро ҳужжат бўлиб мажбурий кучга эга эмас.

- Ц -

ценз [*лот. census* < *enseo* *рўйхат қилмаи*] - ценз (чеклан):  
шахсларга муайян сиёсий (аввало сайлов) ҳуқуқлардан фойдаланишида чекловчи шартлар (сайлов цензи, ёш цензи ва ҳоказо).

- Ч -

чек [*ингл. cheque* (*check*) *тўсиқ; ёрлиқ*] - чек:  
1) махсус пул ҳужжати; кредит муассасасидаги ҳисоб (счёт) эгасининг чекни кўрсатган шахсга унда кўрсатилган маблағни тўлаш ҳақидаги буйруғининг ифода эта-



ди; 2) чакана савлода кассанинг харидордан пул олганлиги ҳақидаги паттаси.

- Ш -

шантаж [*фр. chantage дўқ-пўписа*] - шантаж, дўқ-пўписа: бирор манфаатга эришиш мақсадида шахсни шарманда қиладиган (ҳақиқат ёки ёлғон) маълумотларни ошқор этиш билан кўрқитиб қилинадиган жиноят.

шифр [*фр. chiffre < араб. "сифр" ноль*] - шифр:

1) махфий хатлар учун шартли белгилар; 2) кутубхона, архивларда китоб, кўлёзмалар жойини кўрсатувчи шартли белги.

штамп [*итал. stampa муҳр*] - штамп:

муҳрнинг тури, унда муассаса номи, манзили ва бошқалар кўрсатилган бўлади.

штат [*ингл. state давлат*] - штат:

1) қатор федератив давлатларда федерация субъектлари номи; 2) муассаса, ташкилот, корхона ходимлари шахсий таркибининг рўйхати.

- Э -

экзекватура [*лот. exsequare аниқламоқ; бажармоқ*] - экзекватура:

ҳалқаро ҳуқуқда: 1) муайян мамлакатда бошқа давлат суди томонидан чиқарилган қарорни ижро этиш; 2) қабул қилувчи давлатнинг консулни тан олганлиги тўғрисида расмий ҳужжат.

экологик [*юн. oikos уй, ватан + logos тушунча, таълимот*]

экспертиза - экологик экспертиза:

хўжалик ва бошқа фаолиятларнинг экологик талабларга жавоб бериши, объектни куриш мумкинлиги ва унинг фаолияти атроф-муҳитга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида ҳисоб.

**экоцид** [юн. *oikos* уй, ватан + лот. *caedere* ўддирмоқ] - экоцид;

ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини оммавий қирини, атмосфера, сув ҳавзаларини заҳарлаш ва экологик ҳалокатга олиб келадиган бопқа жинсий ҳаракатлар.

**эксгумация** [лот. *ex* -дан + *humus* ер] - эксгумация: мурдани кўздан кечириш ва экспертиза ўтказини зарурати туғилганда уни дафн этилган жойидан қазиб олиш.

**эксперт** [лот. *expertus* тажрибали] - эксперт: муайян соҳа мутахассиси, тергов органлари, суд, хўжалик суди томонидан экспертиза ўтказишга таклиф этилган шахс.

**экспертиза** [қ. *эксперт*] - экспертиза: муайян масалаларнинг мутахассислар томонидан текширилиши. Масалан, суд-тиббий экспертизаси, криминалистик экспертиза ва бошқалар.

**экспорт** [лот. *exportare* чиқариш] - экспорт: товар, иш, хизматлар, интеллектуал мулк ва уларга бўлган ҳуқуқни боғхона орқали четга чиқариш.

**экспроприация** [лот. *ex* -дан + *proprius* хусусий] - экспроприация: давлат ҳокимияти томонидан мажбурий равишда (ҳақини тўлаб ёки текин) мулкдан маҳрум қилиш.

**экстрадиция** [лот. *ex* -дан + *traditio* бериш] - экстрадиция: чет давлат қонунларини бузган шахсни шу давлатга топириш.

**экстремизм** [лот. *extremus* энг сўнги] - экстремизм: сиёсатда ашаддий усуллар билан йўл тутишга, кескин чоралар кўришга тарафдорлик.

эмбарго [*исп. embargo хатлаш; тақиқлаш*] - эмбарго:  
муайян давлатга нисбатан ташқи иктисодий муносабат-  
ларни тақиқлаш.

эмиссия [*лот. emissio чиқариш*] - эмиссия:  
пул ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

- Ю -

юрисдикция [*лот. jurisdictio суд иши*] - юрисдикция:  
1) ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш, судлов ишларини  
олиб бориш ҳуқуқи; 2) муайян давлат органи ваколати  
доирасидаги ҳуқуқ соҳаси.

юрисконсулт [*лот. juris consultus ҳуқуқ маслаҳатчиси*] -  
юрисконсулт, ҳуқуқ маслаҳатчиси:  
вазирлик, муассаса, корхоналар қошидаги ҳуқуқий ама-  
лиёт масалалари бўйича доимий маслаҳатчи.

юрист [*лот. jus (juris) ҳуқуқ*] - ҳуқуқшунос, юрист:  
юримдик маълумотга эга бўлган киши, ҳуқуқшунос;  
ҳуқуқ соҳасининг вакили.

**ҲУКУҚШУНОСЛИККА ОИД  
ЎЗЛАШМА ТЕРМИНЛАР**

Муҳаррир  
Рассом  
Техн муҳаррир  
Компьютерда  
саҳифаловчи

**Шарофат Искандар кизи**  
**Ақром Бахромов**  
**Азим Раҳимов**  
**Матлуба Ҳожиева**

Босишга 1999 йил 21 майда рухсат этилди. Қоғоз бичими  
60x84 1/16. Босма табағи 4,12. Нашриёт ҳисоб табағи 2,5.  
Адади 3000 нусха. №225 буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Адолат" нашриёти.  
700047. Тошкент, Сайилгоҳ, 5.

ДИТАФ босмахонасида чоп этилди. Тошкент,  
Олмазор кўчаси, 171.

